ПАХТАКОР ЎРТОҚ: СУВНИ ТЕЖАБ-ТЕРГАБ САРФЛАНГ, ҒЎЗАНИ ҲАШАРОТДАН САҚЛАНГ!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

12 йил чиқиши

№ 134 (3106).

11 июль ЯКШАНБА 1965 йил

Баҳоси 2 тийин.

Ишнинг кўзини билган деҳқонлар шу кеча-кундузда ғўза туплари мўл ҳосил нишоналарини кўпроқ тўплаш билан бир қаторда экинни машина теримига мослаб ўстиришга ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Янгийўлдаги «Ленинград» колхозининг ўртоқ Нарзиқул Бўрибоев бошлиқ участкаси деҳқонлари ана шулар жумласидандир. Улар бу йил ҳамма майдонлардаги пахтани асосан машиналар билан йиғиб-териб олишга аҳд қилишган. Ҳозир ғўза машинабоп қилиб ўстирилаяпти. Уч марта сифатли парвариш қилинган ғўзалар ёппасига кўсаклай бошлади. Суратда: (чапдан) сувчи У. Сулаймонов ва участка бошлиғи Н. Бўрибоев ўртоқлар ҳосил нишоналарини кўздан кечирмоқдалар.

ПАХТАЗОР ХАБАРЛАРИ

ТУЙТЕПА. «Ленин йўли» колхозининг ўртоқ Исмат Усмонов бошлиқ комплекс механизациялашган звеносида ҳосил тўплаш ойлиги яхши ўтяпти. Звено аъзолари мусобақани кучайтириб, ҳар гектар ердаги ниҳолни меҳр билан парвариш қилмоқдалар. Звено бошлиғининг ўзи рулга ўтириб ғўзани сифатли культивациядан чиқаряпти. Пахтакорлар суғоришни икки сменада ташкил этиб, ҳар бир литр сувдан ўринли фойдаланмоқдалар. Кейинги кунларда ғўзада ҳосил кўп тўпланаётир. Ҳар бир тупда 20—22 тадан шона бор. Ғўза шохлари 12—14 тага етди. Деҳқонлар эрта-индин чеканкага киришадилар.

Ш. ХОЛМУҲАМЕДОВ.

●

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ. «Ўзбекистон» колхозининг ўртоқ Югай Ен Сен бошлиқ участкасининг деҳқонлари 134 гектар ернинг ҳар гектаридан 36 центнердан хирмон кўтариш ҳаракатидалар. Колхозчилар ғанимат кунлардан унумли фойдаланиб, ривожи паст ғўзаларга қўшимча ишлов беришмоқда, олдингиларига етказиб олишмоқда. Шу июль ойи ичида паст ғўзалардан 15 гектари икки марта ишланди, бир марта озиқлантирилди. Қатор ораларига ишлов беришда Зулфия Қуролбоева, Маҳбуба Турдиқулова, Сафар Бертаев, Усубали Жондоров каби пахтакорлар бошқаларга ўрнак бўлишиб, кунлик нормаларини бир ярим-икки баравардан адо этмоқдалар.

Б. ҚИДИРОВ.

●

2-«ОҲАНГАРОН». Совхознинг комсомоллари якшанбаликлар ташкил этишиб, ем-хашак тўплашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Айниқса, бу ишда 1-бўлим ёшлари ўрнак бўлаётирлар. Зина Арешкина, Аня Кобелева, Раҳмат Матойиров каби комсомоллар тер тўкиб меҳнат қилишяпти. Улар якшанбаликда 25 тонна хашак ўриб ғарам қилиб қўйдилар.

Н. МАСИДИҚОВ.

●

БЎКА. Қурбон Султонов «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг моҳир механизаторларидан бири. У шу кунларда ўртоқ Абдуаким Ортиқов бошлиқ участка ерларини культивация қилмоқда. Бу участкада гектар бошига 26 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилинган. «Октябрь 40 йиллиги» колхози шароитида бу ҳосил чакки эмас. Буни участка деҳқонлари ҳам, механизатор Қурбон ҳам яхши билади. Лекин шу 26 центнерга эришишнинг ҳам ўзи бўлмайди. Ҳар бир туп ғўзани моҳирлик билан парвариш қилиш талаб этилади.

Қурбон Султонов ғўза қатор ораларини культивация қилаётганида тупроқнинг майин бўлиб кетишига алоҳида эътибор беради. Колхозчилар унинг сифатли ишидан ғоят мамнун бўлмоқдалар. Ҳозир Қурбон культивация қилаётган пайкаллардаги ғўзаларнинг ҳар тупида 3—4 тадан кўсак санаш мумкин.

С. ШАРОФХОНОВ.

МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ

Она-Ватанимизда миллионларнинг баракали меҳнати билан коммунизм барпо қилинмоқда. Партиямиз коммунизм моддий-техника базасини яратиш, коммунистик ижтимоий муносабатларни шакллантириш каби буюк вазифаларни бажаришга раҳбарлик қилиш билан бирга, янги замон кишисини ҳам тарбиялаб, вояга етказмоқда. Янги одамни амалда тарбиялаш эса коммунизм қурилишида актив иштирок этиш процессида, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда коммунистик асосларни ривожлантириш процессида, партия, давлат ва жамоат ташкилотлари олиб борадиган бутун тарбиявий иш системасининг таъсири остида юз беради.

Маълумки, кишиларнинг ҳаёти ва камол топиши учун керакли нарсаларнинг ҳаммасини меҳнат яратади, у инсон турмушини безайди. Айни вақтда ана шу меҳнатнинг ўзи инсонга энг олижаноб ҳислатларни анъом этади. Меҳнат характерни шакллантиради, иродани чиниқтиради, коллективизм, гуманизм, ижтимоий бурчни ҳис этиш каби юксак ахлоқий сифатларни тарбиялайди, инсон талантини кашф этади, унга қанот бағишлайди. Ҳа, доно халқимиз олтин ўтда, одам меҳнатда билинади деб бежиз айтмаган.

Инсоният генийлари Маркс ва Энгельс меҳнатни кишиларни чиниқтирадиган, уларда сабот-матонат, мустаҳкам характер, мақсад йўлида қийинчиликларни енгаолиш кўникмаларини тарбиялайдиган мактаб дегандлар. Ленин эса, ишчи ва деҳқонлар билан қилинадиган меҳнатдагина ҳақиқий коммунист бўлиш мумкин, деб таълим беради.

Ҳақиқатан ҳам биздаги мавжуд социалистик ишлаб чиқариш, ижтимоий фойдали меҳнат янги кишини тарбиялаб, вояга етказишнинг энг яхши мактаби, кишилар турмушини коммунистик асосларда қайта қуришнинг негизидир. Фақатгина ишлаб чиқариш процессида, ишлаб чиқариш коллективида, ижтимоий фойдали меҳнатда киши шаклланаборади, одамларнинг онги ва психологияси ўзгариб, уларнинг жамиятдаги ва турмушдаги хатти-ҳаракатига таъсир кўрсатилади, уларда коммунистик жамиятда яшаш кўникмалари ҳосил бўлади. Шу билан бирга ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг талаблари кишида ўзини доимо камолатга эриштириш, умумий техника билимлари ва умумий маълумотни ошириш ҳамда фикр доирасини кенгайтиришга бўлган узвий талабни вужудга келтиради.

Областимиздаги кўпгина партия ташкилотлари социалистик ижтимоий мулкчиликка асосланган озод меҳнатнинг юқорида таърифланган ҳислатларига тўла тушуниб етган ҳолда, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш вазифасини муваффақиятли адо этмоқдалар. Меҳнатнинг тарбиячилик роли, камолат мактаби эканлиги коммунистик меҳнат ҳаракатида айниқса ёрқин намоён бўлаётир. Коммунистик меҳнат ҳаракатида юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичлари учун кураш, янги техникани эгаллаш учун интилиш, билимларни эгаллашга, фикр доирасини кенгайтиришга бўлган эҳтиёж кишилар ўртасидаги янги муносабатлар ва турмушда коммунистик асосларни ривожлантириш билан узвий равишда бирга қўшилиб кетади. Областда бу ҳаракатда минглаб ишлаб чиқариш коллективлари, ўнминглаб ишчилар, колхозчилар ва хизматчилар қатнашмоқда. Саноат ва қишлоқ хўжалигимизда юксак маънавий фазилатларга эга бўлган ажойиб кишилар ўсиб етишди. Умумдавлат манфаатлари улар учун ҳар нарсадан азиздир. Меҳнат камолатга етказган дала лочинлари — Турсуной Охунова, Валентин Тюпко, Абдубашор Усмонов, Ҳакимполвон Қодиров, Анвар Эгамназаров; саноат ва қурилиш донгдорлари Валентина Пиднинова, Саид Нуриддинов, Хўжа Алиқулов, Виктор Зайцев, Марҳамат Йўлдошева каби юзлаб кишиларнинг номлари областимиздагина эмас, бутун республикада меҳр-муҳаббат билан тилга олинади. Энг яхши инсоний фазилатларга эга бўлган бу меҳнат қаҳрамонларининг минглаб издошлари бор. Шахсий манфаатлар билан ижтимоий манфаатлар бирлиги уларнинг иши ва онгига сингиб кетган.

Кишиларни коммунистик руҳда тарбиялаш жуда мураккаб, сермеҳнат ва қийин вазифадир. Бу вазифани кампаниячилик, шошмашошарлик билан эмас, балки пировард мақсадни кўзлаб, кун сайин сабот-матонат билан ҳал этабориш керак. Бунинг учун меҳнат тарбияси билан боғлиқ бўлган барча воситаларни ишга солиш, меҳнатнинг тарбиячилик ҳислатларидан самарали фойдаланиш зарур.

Меҳнат натижасидан моддий манфаатдорлик принципини маънавий стимуллар билан боғлай билиш катта тарбиявий кучга эгадир. Моддий манфаатдорлик принципининг аҳамияти ходимнинг меҳнатга қизиқишини оширишдагина эмас, шу билан бирга киши ўз ғайратига муносиб мукофот олганида жамият талаби ва социалистик тузумнинг адолатлилигига тушиниб етади. Бу ўринда моддий манфаатдорлик принципининг маънавий кучини кўрамиз. У кишиларни бутун куч-ғайратни жамият манфаатлари йўлида сарфлашга, ижтимоий бурчни намунали бажаришга илҳомлантиради.

Коммунистик меҳнат ҳаракатини ташкил қилишда ҳам камчиликлар йўқ эмас. Группа тарзида ва якка-якка қабул қилинадиган мажбуриятлар кўпинча ишлаб чиқариш, маданий-маиший ва аҳлоқ-одоб характеридаги кўп масалаларни ўз ичига олмайди. Меҳнатда ҳам, жамоат ҳаётида ҳам, турмушда ҳам ҳеч кимга ўрнак кўрсатмаган кишилар кўпинча коммунистик меҳнат коллективи деган юксак номни олишга сазовор бўлган коллективлар орасига кириб қоладилар. Бу каби жиддий камчиликларни йўқотиш учун коммунистик меҳнат ҳаракатига партиявий раҳбарликни кескин яхшилаш керак. Областнинг партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, шунингдек корхона ва хўжаликларнинг раҳбарлари бу ҳаракатни авж олдириш учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришлари лозим. Мусобақанинг бориши ва якунларини ҳамма жойда билдириб туриш, илғорлар тажрибасини кенг ёйиш зарур.

Социалистик мусобақани ҳар тарафлама ривожлантириш — халқ оммаси меҳнат активлигини оширишнинг, меҳнатга янгича муносабатни тарбиялашнинг муҳим воситасидир. Партия меҳнат унумдорлигини оширишда қудратли фактор бўлган социалистик мусобақанинг кишилар аҳлоқий қиёфасига таъсир қилувчи маънавий кучига, тарбиявий ролига ҳам доим юксак баҳо бериб келаётир. Мусобақа жараёнида, деган эди В. И. Ленин, киши ўз қолоқлиги устидан, капитализм ишчи ва деҳқонларга мерос қилиб қолдирган эски одат ва тасаввурлар устидан ғалаба қозонади. Улуғ доҳиймизнинг ана шу сўзларини доимо эсда тутиб, социалистик мусобақанинг катта тарбиявий кучини рўёбга чиқариш учун зарур тадбирларни кўриш керак.

Коммунистик тарбиянинг асосини — меҳнат тарбиясини замонамиз талаблари даражасига кўтарайлик, ижтимоий ишлаб чиқаришда коммунистик муносабатларни ҳар тарафлама ривожлантирайлик.

„ОҚ ОЛТИН" ВА „КЎК ОЛТИН"НИ КЎПАЙТИРАМИЗ

Бригадамиз аъзоларининг ҳаммаси меҳнатсевар. Улар ўзларига берилган топшириқни сидқидил бажариб, қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштиришни таъминлаш йўлида ҳормай-толмай ишламоқдалар. Деҳқонларимизнинг ҳалол меҳнат қилишлари орқасида ўсимлик тез ўсиб, мўл ҳосил тўпламоқда.

Далаларимиз ўтдан тоза. Тупроқ майин. Шу сабабли ҳам ғўзага берилаётган ўғит ва сув фақат унинг илдизига сингмоқда. Ғўзалар сершох бўлиб ўсмоқда.

Деҳқонларимиз ўтган йилларда яхши ишлаб анчагина ҳосил тўпладилар. Лекин биз бу билан кифояланиб қолмаймиз. Июль ва август ойларида янада тер тўкиб меҳнат қиламиз. Ҳосилга ҳосил қўшиб ҳар гектар ердан планда-ги 25 ўрнига 32 центнердан «оқ олтин» етиштирамиз. Зиммага олинган бу мажбуриятни бажаришда тракторчиларимиз ҳам, сувчиларимиз ҳам фидокорлик кўрсатишмоқда. Бизда ғўзаларга асосан кечаси сув берилаяпти, бу билан сувни исроф қилмасдан, ҳар бир картадаги ўсимликнинг қониб сув ичишига эришмоқдамиз. Отбосар Турсунқулов, Қаймурод Раҳимов каби сувчиларимиз ҳалол меҳнат қилишиб, топшириқни сидқидил бажаришаяпти. Бизда асосий майдон текис. Шу туфайли ҳам ғўзалар баббаравар ҳосилга кираяпти. Ҳар бир тупда 2—3 тадан кўсак, 5—6 тадан гул ва 5—7 тадан шона бор. Биз илғор агротехника қоидаларига риоя қилиб биронта ҳам шонани тўктириб юбормасдан ҳосил тугунчаларига айлантириш учун ҳаракат қилаяпмиз.

Мўл пахта ҳосили учун кураш билан бир қаторда каноп етиштиришга ҳам жиддий аҳамият берганмиз. Бригадамиздаги 89 гектар каноп майдони сифатли ишланмоқда. Канопдан ҳам мўл ҳосил етиштиришни мўлжаллаяпмиз. Пландаги 149 ўрнига 170 центнердан «кўк олтин» топширамиз.

Пахтакор ва лубкорлар ҳар бир кундан унумли фойдаланиб ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятни бажариш йўлида астойдил ҳаракат қилишаяпти.

ХОН БОРИС,
Оққўрғон районидаги «Ленинград» колхозининг бригада бошлиғи.

ҒЎЗАНИ ЯШНАТАЁТГАНЛАР

— Э, ҳорманг, касбдош!

Қулоқбошига чим босаётган Давлат ака ялт этиб овоз келган томонга қаради-ю, ой ёруғида Деҳқонбой акани таниди. У ўз ишига берилиб кетганлигидан, касбдошининг бу ерга келганлигини сезмай қолган эди.

— Саломат бўлинг, — Давлат ака қаддини тиклар экан, кўришиш учун қўл узатди, — келинг, ишларингиз яхшими?

— Биринчидан, танимиз соғ вақтимиз хуш, иккиламчидан ғўзани чанқатиб қўяётганимиз йўқ. Ишимизнинг яхшилиги шу-да! — Кулиб деди у.

Бу икки сувчи деярлик тенгдош. Қиладиган иши ҳам бир, шу важдан бир-бирларини «касбдош» деб чақиришади.

— Хўш, катта карта сувдан чиқай, дедими? — сўради Деҳқонбой ака Давлат акага боқиб.

— Агар шу меёрда жилдираб турса, эрталаб сувни нариги картага оламан. Бугун тушдан кейин айланиб кўрдим. Ғўзалар сув талаб. Эртадан қулоқ очмасак кечикамиз.

Чиндан ҳам шундай. Июль ойида сувга қонмаган ғўза гули, ҳатто тугунчаларини тўкиб юборади, ҳосилдан қолади. Шундай экан, дам ғанимат. Худди механизаторлар сингари сувчилар ҳам бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб, масъулиятни тушунган ҳолда иш кўрмоғи лозим. Ҳар бир литр сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш зарур бўлган кезлар ҳозир. Деҳқонбой ака ҳам Давлат ака ҳам ана шулар ҳақида ўйлашарди. Бундан буён ҳосилнинг тақдири ўзларининг қўлларида эканлигини билишарди. Шунинг учун ҳам улар 3-4 кунлик қийинчиликни елкаларига олиб, ҳар туп ғўза кечасию-кундузи қониб сув ичсин, деб қайғуришаяпти.

Деҳқонбой ака Давлат ака ёнидан ўз картаси томон қайтганида, тун ярмидан оққан эди. У шаҳдам қадам ташларди: эгатлардаги сув бир текис оқаётганмикин, сув исроф бўлмаётганмикин, Давлат ака билан узоқ гаплашиб қолмадиммикин... Мана шулар ҳақида ўйларди у.

Миришкор сувчи картага етиб келди. Эгатларни синчиклаб бир-бир кўздан кечирди. Қулоқбошларини текшириб кўрди. Ҳамма иш жойида. Сув бир текис жилдираб оқаяпти. Пушталар тобора қорайиб боряпти. Тунда чанқоғи қонган ғўзалар тонгда яшнаб кетади. Бу Деҳқонбой ака учун ҳузур бағишлайди. Ўз меҳнатининг самараси дилини хушнуд этади.

Деҳқонбой ака Эрназаров билан Давлат ака Мирсалимовлар Орджоникидзе районидаги Ленин номли колхознинг ўртоқ Хожибой Норхўжаев бошлиқ участкасида ғўза қатор ораларига сув етаклашади. Июль ҳосил тўплаш ойи бўлибгина қолмай, ҳосилга-ҳосил қўшиш ойи ҳамдир. Икки миришкор ўзларининг кўп йиллик тажрибаларида буни яхши синаб кўришган.

Шунинг учун ҳам улар ишни икки сменада ташкил этишиб, ҳар туп ғўзанинг гулига гул, шонасига шона, кўсагига кўсак қўшиш учун курашишяпти.

Участкада 70 гектар пахта майдони бор. Деҳқонлар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» етиштирамиз, деб сўз беришган. Бугун Деҳқонбой ака, Давлат акалар каби миришкорлар меҳнат қилаётган пахта майдонларида бўлсангиз деҳқонларнинг ўз аҳдларига вафо қилаётганликларини кўриб хурсанд бўласиз. Ҳар туп ғўзада ҳозирнинг ўзидаёқ 4-5 тадан тугунча бор. Ленин ҳамма гап бундан буён ишни сира бўшаштирмасликда қолган. То пахта йиғим-терими бошлангунга қадар механизаторлар билан сувчилар ҳамкорликда, ишнинг кўзини билиб меҳнат қилсалар ана шундагина мақсад муяссар бўлади. Участка деҳқонлари буни яхши тушунадилар. Далалардаги ҳозирги қайноқ меҳнат буни кўрсатиб турибди.

С. МИРЗАЛИЕВ.

11 ТА ОЛТИН МЕДАЛЬ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном Абдураҳмон Каримовнинг номи республикамизда ҳурмат билан тилга олинади. Абдураҳмон ака сабзавот, картошка ва полиз экинлари илмий-текшириш институтида агротехника бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлайди.

Машҳур агроном қарийб 30 йилдан бери Ўзбекистон ковунларининг навларини яхшилаш йўлида илмий иш олиб бормоқда. У яратган ширин, серҳосил нав уруғлик деҳқонларга манзур бўлиб келмоқда. Институт селекционерларининг ташаббуси билан «Кўкча», «Шакарпалак», «Баргинозик», «Гулоби» каби ковунлар уруғи яхшиланиб ширин-шакарга айлантирилди. Бу ковунлар дастурхонимизнинг безаги бўлиб қолди.

Германия Демократик Республикасининг Эрфурт шаҳрида ўтказилган халқаро виставкада Тошкент ковунлари учун 11 та олтин медаль берилди.

Ҳозирги кунларда халқ олими республиканинг жанубида мамлакатда энг арзон ва узоқ вақт сақланадиган ковун-тарвуз етиштириш усуллари устида илмий иш олиб боряпти.

И. СКВОРЦОВ.

ОЧ КЎЗИНГНИ УЙҚУДАН...

...У тол тагига келиб ёнбошлади. Аввал бамайлихотир этик ечди. Ариқ бўйига ёйиб қўйилган хашакдан йиғиштириб ёстиқ қилди, устига белбоғини ёйди-да, бош қўйди. Орадан сал ўтмай кўзлари сузилиб уйқуга кетди. Шу ётишда қаттиқ ухлаб қолди. Қуёш толнинг бу томонидан у томонига ўтди. Олачалпак соя кетиб олдин унинг оёқларини, кейин гавдасини, охири юзларини қуёш нури қиздира бошлади. У сув бўлиб терлаб кетди, чўчиб уйғонса қуёш тиккага келибди.

— Уф, уйқу қурсин, қўйлакларим нам бўлиб кетибди-я...

У оёқларини узатиб ўтириб хомуза тортди. Ўнг қўлини сўл қўли билан, сўл қўлини ўнг қўли билан навбатма-навбат уқалади, суякларини қисирлатиб керишди, эринибгина белбоғини бойлади. Ерга таяниб ўрнидан турдида атрофга олазарак қаради. Кўзи рўпарада, тут тагидаги салқин жойга тушди. Ўша томонга юрди. Бориб қараса қуёш ботгунга қадар бу ерга офтоб тушмайдиган. Қўлтиғидаги ўт ўралган ёстиқсимон тугунни салқинга ташлади. «Уҳ, ҳаммаёғим зирқираб оғрияпти...» дея ўзўзига ғўлдираб қўйди ва яна чўзилди.

Биз таърифини келтираётган бу киши Калинин районидаги Жданов номли колхознинг участка бошлиғи Ҳошим Бектурғонов бўладилар. Гапнинг пўст калласини айтиш керак. Унинг қаерда, қачон, қандай аҳволда ухлаганини, эрталабдан тушгача, тушдан кечгачами, қанча ухлаганини сўраманг. Лекин участкадаги ишнинг аҳволи билан танишсангиз бу ердаги бошлиқ ҳаммавақт уйқуда экан, деган ҳаёл беихтиёр кўнгилдан ўтади. Унинг участкасида 3 та звено бор. Бу звеноларда кимнинг даласида ўт кўп бўлишга «мусобақалашаётганга» ўхшайдилар. Шу сабабли қайси далага борсангиз ўт ичида қолган ғўзанинг нимжон бўлиб ўсаётганлигини кўрасиз.

Участка бошлиғи Ҳошим Бектурғонов июль — ҳосилга-ҳосил қўшиш ойи эканлигини унутиб қўйган. Ахир унинг участкасида июнь ойида ҳам иш яхши ташкил этилмагани учун қаттиқ танқид қилишган эди. Бепарволикнинг чеки йўқлигини қарангки, участка бошлиғи шундан кейин ҳам тегишли хулоса чиқариб олмади. Солинган ўғитини, берилаётган сувини бегона ўт шимиб ёггани сабабли ғўзанинг ҳосил тугиши ҳам, ривожланиши ҳам талабга мутлақо жавоб бермайди. 120 гектар ерга эга бўлган бу участкада кўпгина майдондаги ғўза қўшимча озиқлантиришга, парваришга муҳтож.

Ҳақли савол туғилади. Бектурғонов участкасидаги аҳвол колхоз раҳбарларига маълум эмасми?! Маълум. Аммо колхоз раҳбарлари ҳам Ҳошим Бектурғоновнинг қуруқ ваъдасига кўникиб қолганга ўхшайдилар. Бизнингча, колхоз раҳбарлари бу бегам участка бошлиғини уйқудан уйғотиб қўйишлари, ғанимат кунларнинг қадрига етишга ўргатишлари керак.

Салом билан
«Уртўқмоқ»

БЕГОНА ЎТ: — Ухла қўзим алла-ё, алла.

МЕТАЛЛУРГЛАР ЗАФАРИ

В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи пўлат қуювчилари металлурглар куни шарафига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Планга қўшимча равишда кўплаб пўлат қуйилди. Бошланган социалистик мусобақада В. Зайцев, Б. Мирзаматов, А. Тошпўлатов, П. Гвоздянский ва С. Зверев ўртоқлар бошлиқ биринчи печ коллективи ғолиб чиқдилар. Улар 620 минг тонна чўянни иқтисод қилиб қолдилар.

Мартен цехи коллективи қатори прокатчилар ҳам зиммадаги мажбуриятни тўла адо этдилар. Мастер Иван Петров бошлиқ бригада аъзолари цехда энг юқори кўрсаткичларга эришдилар. «300» станида ишлаётган бу бригада аъзолари ўтган ой планини 104,7 процент бажардилар.

Завод прокатчилари металлурглар куни шарафига иккинчи марта оширилган мажбурият олдилар. Прокат цехи коллективи металлурглар куни — 18 июль кунигача 450 тонна сортли металл ва тунука ишлаб чиқариш учун кураш бошладилар. Ҳозирги ҳаракат бу мажбуриятни ҳам шараф билан бажарилишидан далолат бериб турибди. Ҳамманинг руҳи тетик. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Ҳ. Ғаниев, С. Нуриддинов, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Қ. Тошматов ўртоқлар мастерлик қилаётган участкаларда фақат аъло сифатли маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Завод коллективи етти йилликнинг сўнгги йилида яна улкан зафарлар кучишга отланган. Металлурглар ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини 22 сентябрдаёқ адо этиш учун курашмоқдалар.

(ЎзТАГ).

МУСОБАҚАДОШЛАР

Цех бошлиғи ўрнидан турди-да, бор гапни лўндагина қилиб ишчиларга айтди-қўйди:

— Хабарларингиз ҳам бордир, ўтган ҳафтада моторчилар бизни социалистик мусобақага чақиришган эди. Шунга нима деймиз. Улар билан беллашишга кучимиз етармикин? Мотор ремонт цехи ахир кўп йиллардан бери заводимизда пешқадамлик қилиб келяпти. Уялиб қолмасмикинмиз?

Юрий Иванович Климовнинг гапи ишчиларни бир зум ўйлантириб қўйди.

— Мусобақалашгандан кейин илғор цех билан беллашганимиз маъқул. Биз ҳам уларга эргашиб астойдил ғайрат қиламиз. Пешқадамлардан ўрганамиз. Имкониятларимиз эса бор. Ҳеч қўрқмасдан улар чақириғини қабул қилаверсак ҳам бўлади, — деди слесарь С. Анкудинов орага чўккан жимликни бузиб.

Бу гап ҳаммага маъқул тушди. Гидропресс цехи коллективининг умумий йиғилиши мотор ремонт цехи билан мусобақалашишга қарор қилди.

Ҳар иккала цех йил бошиданоқ белни маҳкам боғлаб майдонга тушди. Мавжуд резервлардан тўлароқ фойдаланишга киришилди. Мусобақа шартларини бекаму-кўст адо этиш ниятида бир қатор ташкилий техникавий тадбирлар амалга оширилди. Пировардида кўрсаткичлар ёмон бўлмади. Гидропресс цехи биринчи квартал планини 108,7 процент бажарди. Мотор ремонт цехи эса топшириқлари 101,6 процент адо этилди Давлат планининг бажарилиши яхши. Гидропрессчилар юзи ёруғ. Лекин мусобақанинг бошқа шартлари, чунончи меҳнат интизоми, рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракати, ишлаб чиқариш маданиятини ошириш ва саноат эстетикасини жорий этиш бўйича мотор ремонт цехи аъзолари ўз мусобақадошларидан ўзиб кетдилар ва завод кўчма Қизил байроғини қўлга киритдилар.

Гидропресс цехи коллективи ўйлаб қолди. Демак, фақат план билан иш битмас экан. Бошқа томонларга ҳам жиддийроқ эътибор бермоқ лозим экан. Тезда гидропрессчилар ўз қўшнилари — ремонтчилар ҳузурида бўлишиб, улар тажрибасини ўрганишга киришишди.

Ҳамкорликда, бир-бирларидан ўрганган ҳолда меҳнат қилабошлашди. Бу дарҳол ўз самарасини кўрсатди. Ярим йиллик план ҳар иккала цехда ҳам ортиғи билан адо этилди. Ўтган ойлар мобайнида мусобақадош цехларда меҳнат интизоми яна ҳам мустаҳкамланди. Илғор тажрибалар ва прогрессив методлар ишлаб чиқаришга жорий қилинди.

— Социалистик мусобақа, — дейди мотор ремонт цехи бошлиғи ўртоқ М. Петров, — биридан-бири ўзиб кетиб кўчма Қизил байроқни қўлга киритишдан иборат эмас. Мусобақадошлар меҳнатда ва ҳаётда қондошларден бир-бирларига кўмаклашишлари, камчиликларини кўрсатиб, уни биргаликда бартараф этишлари лозим.

Ҳозир гидропресс ва мотор ремонт цехи ишчилари ўртасидаги социалистик мусобақа бир-бирига елкадош, кўмакдош коллективларнинг мусобақасига айланган. Иккинчи кварталда илғор ремонтчилар меҳнат маданиятини ошириш ва саноат эстетикасини жорий этиш юзасидан гидропрессчиларга ўз тажрибаларини ўргатдилар. Гидропресс цехи коллективи ҳам яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтарди. Улар давлат планини ошириб бажаришда қўл келаётган усуллар ҳақида ремонтчиларга сўзлаб бердилар. Назоратчи мастер Т. Асқаров эса маҳсулот сифатини яхшилаш тадбирлари ҳақида мотор ремонт цехи мастерларига маълумотлар берди.

Мусобақадош цех коллективлари керак бўлган вақтда ҳатто ишчи кучи билан ҳам бир-бирларига кўмаклашдилар. Айрим ойларда мотор ремонт цехида муҳим заказларни ўз вақтида бажариш учун ишчи кучи етишмай қолди. Шунда гидропресс цехи коллективи мусобақадошларга ёрдамга келишди. Цехнинг илғор слесарларидан С. Иброҳимов, Ю. Конитхузин, токарлардан И. Безручкин, И. Нурмамедов ўртоқлар мотор ремонти учун зарур бўлган қисмлар: 300 та вал, «Д-54» маркали мотор учун 80 та шкиф ва турли ҳажмдаги болтлар тайёрлаб бердилар.

«Куйлюксельмаш» заводида социалистик мусобақанинг шу тарзда намунали йўлга қўйилганлиги корхона шуҳратига шуҳрат қўшмоқда. Заводда тайёрланаётган маҳсулотлар сифати ойма-ой яхшиланиб бормоқда. Топшириқлар ортиғи билан адо этиляпти. Бу ютуқларнинг барчаси социалистик мусобақа шарофатидир.

С. МУҲИДДИНОВ.



«Чирчиксельмаш» заводи цехларида тайёрланаётган агрегатлар пахтакорлар юкини енгил қилмоқда. Корхонада ўтган ярим йиллик план ортиғи билан адо этилди. Колхоз ва совхозлар учун 1600 га яқин «СКО-4» маркали кўрак териш машинаси жўнатилди. Суратда: йиғув цехида.

УСТИ ЯЛТИРОҚ, ИЧИ ҚАЛТИРОҚ

Бу клуб биносининг олд томонига ишланган безакларни кўриб, жуда дид билан қурилган бино эканда, дейсиз қувониб.

Аммо, унинг ичига кирсангиз борми... Келинг, яхшиси, бор гапни айтиб қўяқолайлик! Бинонинг қурилганига 7 йил бўлди. Аммо, бино хоналари шундан бери бирон марта ҳам ремонт қилинмади. Деворлар ремонт талаб бўлиб ётибди. Улардаги безак-гуллар ўчиб кетган.

Клубдаги кутубхонанинг номи бор, холос. Аслидачи, аслида у идорага айланиб қолган. Кутубхона учун ажратилган хоналарнинг бири бўлим идораси, иккинчи хона эса, бухгалтерия учун бериб қўйилибди. Турли хилдаги 2 мингдан ортиқ адабиёт чанг босиб ётибди.

Оққўрғон районидаги «Коммунизм» совхози учинчи бўлимининг бошланғич партия ташкилоти секретари М. Раҳматов, комсомол ташкилоти секретари Н. Сухонов, бўлим бошлиғи А. Имомов ва кутубхона мудири Н. Абдивалиева ўртоқлар клубдаги бундай аҳволни билмайдилар дейсизми? Билишади, бироқ уни тартибга келтириш ҳақида жон куйдиришмайди. Бу ҳол қачонгача давом этади?

А. ЭРГАШЕВ.

СОҒЛИГИМИЗ — БОЙЛИГИМИЗ

Маълумки, доҳий В. И. Ленин 1918 йилнинг 11 июлида Совет соғлиқни сақлаш комиссариатини тузиш ҳақидаги декретни имзолаган эди. Биз бу кунни ҳар йили саломатлик куни сифатида нишонлаймиз.

Соғлиқни сақлаш комиссариатининг ташкил этилиши аҳоли сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида қилинган буюк ғамхўрлик эди. Ҳақиқатан ҳам Совет ҳокимияти йилларида медицина фани равнақ топди. Даволашнинг янги методлари медицина практикасига жорий этилди.

Ҳа, совет соғлиқни сақлаш ишлари 47 йил ичида жуда катта, ер юзидаги инсоният тарихида бутун бир янги даврни босиб ўтди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг доимий ғамхўрлиги туфайли совет кишиларининг саломатлигини ҳимоя қилувчи жуда кўплаб малакали медицина ходимлари етишиб чиқди.

Ҳозир Совет Иттифоқи медицина хизмати кўрсатиш жиҳатидан жаҳонда биринчи ўринлардан бирини эгаллайди. 1913 йилда Россияда киши умри ўртача 34 йилни ташкил этар эди. Ҳозир совет кишиларининг ўртача умри 69 йилга тенгдир.

Ўзбекистонда кейинги 3—4 йил ичида жуда кўп янги медицина муассасалари очилди. Касалхоналардаги ўринлар сони ортиб боряпти.

Шаҳар ва қишлоқларда аҳолига медицина хизмати кўрсатиш ишлари йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Медицина муассасалари ҳозирги замон асбоб-ускуналари билан керакли даражада жиҳозланган.

Санитария-гигиена ишларини яхшилаш борасида ҳам кўп ишлар қилинди. Санитария ишларини ривожлантиришда кенг жамоатчилик яқиндан ёрдам беряпти. Бунинг натижасида аҳоли ўртасида медицина ва гигиена билимларини тарқатиш кенг йўлга қўйилди. Булардан ташқари жамоатчилик асосида очилган соғлиқни сақлаш халқ университетлари ва факультетлари ишлаб турибди.

Ҳозир Ўзбекистонда 72 та

БУГУН — САЛОМАТЛИК КУНИ

соғлиқни сақлаш университети, 60 та ота-оналар университети ва санитария маданият мактаблари бор. Уларда минглаб ишчи, хизматчи, колхозчилар санитария-гигиена соҳасидаги билимларини бойитмоқдалар.

Бу йил Чирчиқдаги соғлиқни сақлаш халқ университетини 100 га яқин тингловчи битириб чиқди. Уларнинг кўпчилиги хотин-қизлар эди. Шунинг учун машғулотларда хотин-қизлар гигиенаси, болалар соғлигини сақлаш каби қатор темаларда лекциялар ўқилди.

Шунингдек, Оҳангарон, Олмалиқ, Янгийўл шаҳарларида очилган соғлиқни сақлаш университетлари ўқув йилини муваффақиятли якунлади.

Маҳаллалар, завод ва фабрикалар ҳам санитария-гигиена билимларини тарқатувчи ўчоқларга айланиб қолди. Чунончи, пойтахтнинг Октябрь районидаги «Ўзгариш», Киров районидаги «Янгийўл» маҳаллаларида бу соҳада ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу йилги саломатлик кунига жойларда катта тайёргарлик кўрилди. Корхоналар ўртасида цех ва дастгоҳларни озода тутиш бўйича социалистик мусобақа авж олди. Бугун бу мусобақага якун ясалади.

Бугун саломатлик куни муносабати билан пойтахтимизнинг кўпгина жойларида тантаналар бўлиб ўтади. Пойтахтнинг «Победа», Ленин комсомоли номли, Пушкин номли маданият ва истироҳат боғларида «Саломатлик куни»га бағишланган сайиллар ўтказилади. Бу кеча ва сайлларда медицина ходимлари меҳнаткашлар билан учрашиб, қизиқарли лекция ва суҳбатлар ўтказишади.

Қадрли ўртоқлар, саломатлик куни тантаналарига марҳамат!

К. АҲМАДЖОНОВА,
республика санитария маорифи уйининг врачи.

Чирчиқ шаҳридаги 1-шаҳар касалхонаси ходимлари аҳолига намунали медицина хизмати кўрсатишмоқда.

Суратда: (чапдан) касалхона терапия бўлимининг бошлиғи А. Вострикова, врач Н. Додабоева ва бош ҳамшира Коненкова ўртоқлар бемор К. Элефтрию билан суҳбатлашмоқдалар.

М. Нуриддинов фотолари.

„БУРГУТНИНГ ПАРВОЗИ“

Пойтахтимизда навбатдаги гастролларини ўтказаётган Андижон область Йўлдош Охунбобоев номидаги музикали драма театри репертуарида драматург Иззат Султоннинг «Бургутнинг парвози» тарихий-революцион драмаси ҳам бор.

Андижон театрининг бу спектакли ҳақида гапиришдан аввал пьеса хусусида икки оғиз сўз айтиш лозим. Бундан қарийб чорак асрча илгари яратилган бу асар тарихий-революцион пьеса бўлибгина қолмай, умуман ўзбек совет драматургиясида йирик бир ижодий воқеа бўлган эди. Охунбобоев номли театрнинг республика театрлари ичида илк бор «Бургутнинг парвози»ни қайтадан саҳналаштиришга жазм этганлиги табрикка сазовордир.

Ўзбекистонда гражданлар уруши даври ва унда В. И. Лениннинг содиқ шогирди ва сафдошларидан бири М. В. Фрунзенинг революцион фаолиятини тасвирловчи, ғоят мураккаб давр ва унинг кишиларининг реал қиёфаларини жонлантирувчи бу асар шу кунда ҳам замонага ҳамоҳанг, замондошларга ғоят яқиндир.

Андижон театрининг бош режиссёр М. Бобоев бошчилигидаги ижодий коллективи мазкур спектаклда тарихий даврнинг реал тасвирини беришга ҳаракат қилган ва бу борада анчагина ютуқларни қўлга киритган. «Босмачилар» саҳнаси, Жўранинг ўз қишлоғига қайтиб келиш саҳнаси ва Фрунзе билан Жўранинг учрашиши картинаси энг ифодали чиққан саҳналардир. Бу саҳналарда бир томондан тиш-тирноғи билан Совет ҳокимиятига қарши курашаётган, аммо тарихий шарт-шароит тақозоси билан енгилишга маҳкум этилган синф вакиллари (қўрбоши ва унинг йигитлари, рус муштумзўри Фролов ва бошқалар)нинг, иккинчи томондан босмачиларни яксон этишга тобора активроқ қатнаша бораётган, тушунчалари аста-аста тўғри фикрлар билан тўлиб бораётган деҳқонларнинг жонли образларини кўрамиз. Бироқ, ана шу яхши чиққан баъзи саҳналар мавжуд бўлгани ҳолда, спектаклни яхлит ҳолда олсак тасвир этилган давр руҳи яхши ёритилмагани, ҳали қиёмига етказилмаганини кўрсатмасдан бўлмайди. Гап шундаки, маълум бир тарихий даврни тасвирлаш учун ўша даврга хос бўлган ташқи хислатларни бериш асло кифоя қилмайди. Ҳатто бу жиҳатдан ҳам ижодкор ўртоқларимизни бироз танқид қилиш зарур, чунки жуда бўлмаганда спектаклнинг тасвирий безалиши талабга жавоб берарли даражада бўлиши лозим эди. Ваҳоланки В. Лигай ишлаган декорация ифодали эмас. Даврга хос бўлган кўринишлар, табиат манзаралари, кишилар қиёфаси анча нурсиз. Ҳужжатли характерга эга бўлган М. В. Фрунзе гримидан ташқари қолган персонажлар грими устида ижодий жиҳатдан чуқурроқ изланиш керак эди. Шундай қилинса Ваҳобов, Расулов, Сатторов қиёфалари анча савлатли, қилаётган ишлари табиатларига монанд ва гаплари ишонарли чиққан бўлар эди.

Драматург Фрунзе образини катта меҳр-муҳаббат билан яратган, Фрунзе характеридаги ленинча инсонпарварлик, оддийлик шу билан бирга донолик ва сезгирлик, душманга шафқатсизлик — буларнинг барчаси пьесада ғоят ишонарли тасвир этилган. Актер Н. Муродов яратган Фрунзе образида юқорида айтилган хислатларнинг кўпини учратиш мумкин. Масалан, Жўра билан учрашиш саҳнасида биз актерни жуда оддий ҳолатда, самимий берилиб суҳбатлашишини кўрамиз ва мазкур саҳнага ғоятда ишонамиз. Бироқ Фрунзе образини реал тасаввур этишда актер ижросида учрайдиган анча-мунча савлатбозлик, қўлни олдинга чўзиб юришлар, овоздаги сезиларли сунъийлик халақит беради. Фикримизча, талантли актер ўз ижросидаги мана шу камчиликларни бартараф этиши ва ажойиб образга сайқал бериши лозим.

ТЕАТР

Революционер Фрунзе образи унинг атрофидаги бошқа ижобий қаҳрамонлар образи фонида янада кенгроқ очилади. Жўра ва унинг ўғли Умар образи фикримизнинг исботидир. Асарнинг бошланишида Жўра ва Умар ўз маслакларига кўра бошқа-бошқа лагерга мансубдирлар. Жўра ҳали Совет ҳокимиятини билмайди, унга унчалик қизиқмайди ҳам. Ҳатто, совет «комиссари» бўлиб қолган ўғлини койиб, қишлоққа қайтишга ундайди. Бироқ Жўра реал ҳаёт билан тўқнашади. Босмачилар қўлига тушади. Кўп азобларни бошидан кечиради. У босмачиларни жон-жаҳди билан ёмон кўради. Лекин советларни ҳам яхши кўрмайди. Жўра учун бирдан-бир керакли нарса—осойишталик ва рўзғорни тебратиш. Ана шу деҳқон ҳаётида Фрунзе билан бўлган суҳбат кескин бурилиш нуқтаси бўлади. Чунки уни бу суҳбатга ҳаёт дуч келтирган эди. Жабру-жафодан тўйган, «ўлмоқчи» бўлган аламдийда Жўра Фрунзе билан бўлган самимий ва ўртоқларча суҳбатда қалбидаги саволларга жавоб топади, онгсиз деҳқондан, совет ҳокимиятига тўла хайрихоҳ бўлган деҳқонга айланади. Ўрни келганда шуни айтиб ўтиш керакки, Жўра деҳқон образи умуман драматургиямизда энг ажойиб ва жонли образлардан биридир. У Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда актив роль ўйнаган деҳқонларнинг ҳақиқий вакилидир. Шунинг учун ҳам у типик образдир. Жўра образи спектаклда эришилган ютуқлардан бири, актер Ж. Раҳимовнинг катта ижодий ғалабаси десак янглишмасак керак. Бироқ бу гап образ қиёмига етибди деган фикрни билдирмайди. Агар актер сўз оҳангидаги бир хилликка барҳам берса, ўғли билан биринчи пардада ва босмачилар маконида юз берадиган тўқнашувларда кишини ўйлантирадиган драматизмга эришса, Жўра образи исталган ғоявий мазмунга эга бўлар эди.

Спектаклда томошабинни ғоят ҳаяжонлантирадиган, унинг қалбига ғурур бахш этадиган образ Жўранинг ҳам-қишлоғи Матқул образидир. Артист Х. Сатторовнинг моҳирона ижроси натижасида эпизодик бўлган бу образ томошабин хотирасидан жуда мустаҳкам ўрин олади.

Кичик бир мақолада ҳамма образлар ва уларнинг яратувчилари ҳақида муфассал тўхталиш анча мушкул. Артистлардан М. Исомиддинов (Умар), М. Қодиров (Рубцов), Холмирзаев (Қобил) ва бошқаларнинг ижроси асарнинг ғоявий мазмунини очишга қаратилган бўлсада, спектакль ғоявий ва бадиий жиҳатдан янада силлиқлаштирилиши зарур. Фикримизча режиссёр пьесанинг психологик ва қаҳрамонлик характерига, тарихий-революционлик хусусиятига асосий эътиборни қаратиши ва бутун ижрочиларнинг ижодий изланишларини пьесада тасвир этилган давр руҳини ва революция кишиларининг жонли характерини яратишга сафарбар қилиши керак. Шундагина томошабинни босиб ўтилган йўлга назар ташлашга, ҳозирги бахтиёр ҳаёт қай тарзда ва қандай кишилар томонидан вужудга келтирилганлиги ҳақида чуқур ўйлашга ундовчи тарихий ва айни замонда асл замонавий бадиий саҳна асари юзага келади. «Бургутнинг парвози» драмаси бир томондан, Андижон область театрининг ижодий имкониятлари, иккинчи томондан шундай спектаклни яратишга қодир эканлиги режиссёр ва ижрочилар олдига шундай талабларни қўйишимизга тўла асос беради.

Т. ИСЛОМОВ.

Ширмон — артист А. Аминова | Жўра — артист Ж. Раҳимов, | Умар — артист М. Исомиддинов. Н. Меламед чизган расмлар.

УМРИНГДАН БАРАКА ТОП, ЎҒЛИМ!

Колхоз медицина пункти ҳар доим кишилар билан гавжум. Колхозчилар соғлиғининг посбони бўлган Эргаш Усмонқулов эса, уларни илиқ сўзи билан қарши олади, бемор дардига малҳам бўлади.

Врач.. Бу шарафли касб. Ҳар касбнинг ўз гашти бор деганларидек, врачликнинг ҳам гашти ўзгача. У қанчадан-қанча беморларнинг дардига йўл излайди, уларни энг оғир ваъзиятда ҳам ҳаётга қайтаришга интилади.

Ўз касбини қадрлаган, халққа хизмат қилган ҳар бир киши шарафли касб эгаси бўлаолиши мумкин. Усмонқулов ҳам шундайларнинг бири. У халқ соғлиғи йўлида ҳормай-толмай хизмат қилмоқда.

Эргаш Усмонқулов ҳалол меҳнати билан халққа танилди. Мактабда ўқиб юрган дастлабки йиллардаёқ унинг қалбида врач бўлиш орзуси туғилди. Эргаш улғайди. Ўнинчи синфни аъло баҳолар билан битириб, Охунбобоев номли республика медицина техникумига ўқишга кирди.

Бу 1956 йилнинг ёздаги воқеа эди. Эргаш тиришқоқлиги, чаққонлиги билан студентлар орасида ҳам ажралиб турарди. Ниҳоят у ўз орзусига эришди.

Мана, орадан саккиз йил ўтди. Шу давр ичида колхоз правлениеси бошланғич партия ташкилоти, қолаверса қишлоқ аҳолиси ундан бирон марта нолигани йўқ. Бу унинг ўз касбига меҳр қўйганлигидан далолат бермайдими, ахир!

Усмонқулов беморни медпунктда қабул қилиш билан чегараланиб қолмайди. Вақти келганда дала кезади, уйма-уй юради. Далада жўшқин меҳнат қилаётган колхозчилар орасида кўп бўлади. Уларнинг соғлигини сақлаш йўлида ҳар қандай ёрдамини аямайди. Дала шийпонларида медицинага оид ҳар хил темаларда лекция ўқийди.

Медпункт ҳузурида 3 категорияли аптека очиб қўйилган. Колхозчилар керакли дориларни ҳар доим шу ердан топишлари мумкин.

Шифокор сидқидилдан ишлаш билан бирга ўз малакасини ҳам ошириб бормоқда. Ҳозир у сиртдан таълим оляпти.

Ёш врачнинг хизматидан мамнун бўлган ялламалик қариялар «умрингдан барака топ, ўғлим» десалар, қишлоқ аҳолиси «раҳмат шифокор!» демоқда.

Х. НАБИРАЕВ,
Чиноз, Охунбобоев номли колхоз.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» материаллари изидан

„ҚЎШТЕПАДА ҚЎШ ВАЪДА“

Ана шундай сарлавҳа билан газетамизнинг шу йил 17 апрель сонида «Уртўқмоқ» рубрикаси остида танқидий хабар босилган эди. Унда Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхознинг «Қўштепа» участкасида яшовчи меҳнаткашларнинг уйларини электрлаштириш шу кунгача тугалланмаганлиги, ўрнатилган столба ва электр симлари яроқсиз бўлиб қолаётгани танқид қилинган эди.

Оққўрғон район Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ Юнусовнинг редакцияга юборган жавобида шундай дейилади:

«Қуштепа» участкасини электрлаштириш масаласи колхоз правлениеси йиғилишида муҳокама қилинди. Газетада келтирилган танқидий фикрлар тўғри деб топилди. Правление участкада яшовчи хонадонларнинг уйларини электрлаштириш юзасидан тадбир-чоралар ишлаб чиқди ва тезлик билан амалга оширди. Участка аҳолиси ҳозир электр нуридан баҳраманд бўлаяпти.

ЖАСОРАТ

ВАРШАВА. Польшада чиқадиган «Жолнеж вольности» газетаси икки совет солдати — Владимир Ярошенко билан Петр Волнянколарнинг саховатли иши ҳақида ҳикоя қилади. Улар телефон линиясини ўтказаётганларида кўл томондан ёш боланинг қичқирган товушини эшитиб қолишди. Солдатлар дарҳол ёрдамга югурдилар. Қирғоққа яқин жойда олти яшар Лешек Варваш ҳолдан тойиб сувга чўкиб борарди. Болани дарҳол сувдан олиб чиқишди.

Лекин, Лешек яна бир бола сувга чўкиб кетганини айтди. Петр Волнянко ечинмасдан кўлга ўзини ташлади. Лойқа сувнинг таги чуқур, ҳеч нарсани кўриб бўлмас эди. П. Волнянко анча вақт қидирганидан кейин олти яшар Марек Кшижановскийни кўтариб, сув юзига қалқиб чиқди. Бола ҳушидан кетиб қолган эди. Солдатлар уни ҳаётга қайтариш учун узоқ ҳаракат қилишди. Ниҳоят бола чуқур нафас олиб кўзини очди.

Лешек билан Марекнинг ота-оналари совет солдатларини қидириб топишди ва болаларининг ҳаётини қутқариб қолганликлари учун уларга самимий миннатдорчилик билдиришди.

«Известия» газетасидан.

„ЧАЛА ҚОЛГАН ИШ“

Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг дала ишларида ютуқлар билан бирга жиддий камчиликлар ҳам мавжуд. Ғани Ҳайдаров, Болтабой Мовутов, Мавлон Абдураҳмонов ўртоқлар бошлиқ бригада далаларида ғўзаларни ўт босиб кетган. Болалар боқчалари ва яслилар талабга жавоб бермайди. Хўжалик раҳбарлари далада меҳнат қилаётган колхозчи аёлларга ғамхўрлик қилишнинг ана шу энг муҳим томонини унутиб қўймоқдалар.

Газетамизнинг 8 июнь сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилган мақолада шу каби камчиликлар танқид қилинган эди.

— Мақола район партия комитетининг кенгайтирилган бюро йиғилишида муҳокама қилинди. Кўрсатилган камчиликлар ва танқидий мулоҳазалар тўғри деб топилди, — дейилади район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ С. Тоиров имзоси билан редакцияга келган жавобда. Колхоз раиси ўртоқ Р. Эгамбердиев қаттиқ огоҳлантирилди ва дала ишлари ҳамда болалар муассасаларидаги камчиликларни тезда бартараф қилиш топширилди.

Шу кеча-кундузда деярлик ҳамма карталар ўтдан тозаланди. Меҳнаткаш аёлларининг фарзандларига нормал шароит яратиб бериш учун барча тадбир-чоралар амалга оширилмоқда. Болалар боқчалари ва яслиларини етарли инвентарлар билан таъминлаш район матлубот жамиятига топширилди.

БОСИЛМАГАН ХАБАРЛАР ИЗИДАН

„МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК ОҚИБАТИ“

Редакцияга келган хатлардан бирида: «... оғир ётган беморлар дардига шифо берган врачларга ҳурмат-эҳтиромимиз чексиз. Лекин, шу юксак ҳурматни назар-писанд қилмайдиган шифокорлар ҳам учраб турар экан баъзан.

Металлурглар шаҳарчаси Бекободга «Тез ёрдам» машинаси сўраб телефон қилсангиз, адресни ёзиб оладилару буёғига қолганда куттираверибб тоқатингизни тоқ қиладилар. Яна ва яна телефон қиласиз... Шу ҳам «тез ёрдам» бўлдими?..»

Газетхон Бердиқул Худоёровнинг шикоят хати область соғлиқни сақлаш бўлимига ҳавола қилинди.

Хатда кўрсатилган фактлар текширишда асосан тасдиқланган, — дейилади область соғлиқни сақлаш бўлимидан келган жавоб хатида, — «Тез ёрдам» станциясининг навбатчи диспетчери А. Г. Белинка ўз вазифасига эътиборсизлик билан қарагани учун маъмурият томонидан унга виговор берилган. Бундан буён меҳнаткашларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш тадбирлари белгиланган.

СИР ВОҲАСИ — ДУР ВОҲАСИ

ТИЛИДАН заҳар томиб турадиган илонлар, афтини кўрсанг баданинг жимирлашадиган қўрқинчли калтакесаклар, чангалидан ҳеч зот қутилаолмайдиган баҳайбат бургутлар ҳукмрон бўлган тап-тақир чўлу-биёбонни бир кўз ўнгингизга келтиринг-а. Қандай даҳшатли! Мирзачўл бундан атиги ярим аср илгари ана шундай кўринишга эга эди. Узоқ сафарга отланган карвонлар шу азим чўлдан ўтиб олгунларича она сутлари оғизларидан келарди. Қадимда «қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган чўл» деган иборани шу Мирзачўл туфайли тўқиган бўлсалар, ажаб эмас.

Аммо кўпни кўрган одамлар чўлдан ўтаётганларида ҳарқанча қийналмасинлар, барибир «бу чўл бағрида битмас-тугунмас хазина яшириниб ётганга ўхшайди» деб кўнгилларидан ўтказишган. Мирзачўл тап-тақир бўлса ҳам унинг довруғи бутун оламга ёйилган эди. Америкалик миллионер Жон Гоммод революциядан бурун Мирзачўлга келган, ҳар қисим тупроғи олтин билан баравар бўлган бу ерларга суқланиб қараган. У Мирзачўлни долларга сотиб олмоқчи бўлган. Лекин улуғ Ленин шаҳаридан балқиб чиққан Октябрь қуёшининг иссиқ нурлари Жон Гоммод ва унинг шериклари умидини чиппакка чиқариб юборди.

Владимир Ильич Ленин Мирзачўлни ўзлаштириш ҳақидаги декретга имзо чекди. Чўлга одамлар, унинг ҳақиқий хўжайинлари келабошлашди. Асрий Мирзачўл навқирон йигитлардай бардам қадам ташлай бошлади...

Мирзачўлнинг шимоли-ғарбида бунёдга келган «Пахтаорол» совхози Ленин декретининг энг биринчи меваси бўлди. Бу совхоз Мирзачўлнинг дарвозаси бўлиб қолди. Хўш, нега унга «Пахтаорол» деб ном қўйишган? Бунинг боиси шундаки, ўша йигирманчи йилларда хўжаликнинг ям-яшил пайкаллари поёнсиз чўл ўртасидаги бир оролни эслатарди. Йиллар ўтган сайин азим чўл бағрида кўплаб хўжаликлар бунёдга келабошлади, бу орол кенгая-кенгая каттакон пахта денгизига айланди...

Ҳозирги кунда «Пахтаорол» совхози чунонам гуллаб яшнаганки, асти қўяверасиз. Совхознинг марказий қишлоғи Ильич номига қўйилган. Бу қишлоқ шу қадар кўркам, шу қадар файзлики, уни кўрган киши «бу ер қишлоқ эмас, шаҳар экан» деб қўяди. Мирзачўлда бундай обод жойлар сон-саноқсиз. Сирдарё воҳаси бўлган Мирзачўл эндиликда дур воҳасига айланди. Мирзачўлни чўл деманглар, боғу-бўстондир ерлари, деб қўшиқ тўқиган халқимиз.

ОЧИЛГАН ХАЗИНА

ЎЗБЕКНИНГ бир одати бор: қанду-асал мевани еганда боғини суриштиради. Шунда мезбон «мевасини енг-у, боғини суриштирманг» дейди. Биз айтамизки, йўқ суриштираверинг, боғи Мирзачўлда! Ҳа, Мирзачўлнинг битмас-туганмас хазинаси дарвозасига биринчи бўлиб калид солган олийҳиммат деҳқонлар шу улкан диёрни боғу-бўстонларга айлантиришди. Эндиликда бу катта хазинанинг эшиклари ланг очилган!

Яқинда биз Тошкент области қишлоқ хўжалик ходимлари ўзаро текшириш бригадаси аъзолари билан мирзачўлликлар, йўқ мирзагулистонликлар ҳузурида бўлдик. Уларнинг чеҳралари очиқ, юзлари ёруғ, ич-ичларидан қувонишаяпти. Ахир даҳшатли чўлни гўзал диёрга айлантиришди-ю, нега қувонишмасин?!

Сирдарёнинг кўпригидан ўтишингиз билан бир гўзал колхоз келади. Бу колхоз улуғ Ленин номига қўйилган. Унга чўл қизи Назира Йўлдошева раислик қилмоқда. Назира опа Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, деҳқончиликнинг тилини, раҳбарликнинг санъатини, ишнинг кўзини биладиган уддабурон аёллардан. Жонажон Ўзбекистонимизнинг шонли тўйи бўлган йилда Назира опага республикада хизмат кўрсатган пахтакор унвони берилди. Бу бежиз эмас. У машҳур пахта устаси ҳамдир.

Тошкентлик мусобақадошлар шу колхозга борганимизда мезбонлар олдимизга турли-туман мевалар қўйишди. Бай-бай, бу меваларнинг ширинлиги! Нақ бол томади-я, бол!

— Олинглар, олиб ўтиринглар, булар ўзимизнинг боғимизда битган, — деди Назира опа, — шу меваларга қараб ўтириб, ўтмишимиз эсимга тушиб кетди. Ўттиз учинчи йилда келиб қолганмиз, бу ерларга. Ўшанда кечаси тугул кундузи юрсангиз, қўрқардингиз. Ҳаммаёқ тўқайзор, йиртқич ҳайвонлар... Одамнинг қўли гул деб бежизга айтишмаган экан. Мана, колхозчиларимизнинг гул қўллари бу ерларни гулистонга айлантириб юборди.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам бу колхозни гўзал бир гулистонга ўхшатсак бўлади. Колхозчилар салкам икки ярим минг гектар ерда деҳқончилик қилишяпти. Бир минг саккиз юз гектардан зиёд майдонда «оқ олтин» дурдоналари етиштирилаяпти. Юз гектардан зиёд боғ-роғда эса мева-чевалар хил-хил пишган. Чорвачилик фермаларида сут булоғи қайнаяпти. Қир-адрларда қўйлар бўрдоқи бўлиб семираяпти...

ШАҲРИХОН

АСРИЙ Мирзачўл ўз бағрида илгари ожиза деб ҳисобланган хотин-қизлар қудратли машиналарни бошқариб юришини «тасаввур» қилаолмаган бўлса керак. Мана энди «ўз кўзи билан кўриб» турибди, шундайларни.

Мирзачўлнинг турсунойчи қизларидан бири — Шаҳрихон Абдуллаева Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхозда меҳнат қилаяпти. Асли форишлик бу қиз уруш бошланган йили ота-онаси билан Мирзачўлга кўчиб келган эди. Мактабни битиргач, медицина ҳамширалари тайёрлайдиган техникумга кириб ўқиди. Ҳамшира бўлиб ишлаб юрган кезларида Турсуной Охунова қишлоқлардаги барча хотин-қизларга мурожаат қилди. Шундан кейин Шаҳрихон механизатор бўлишни дилига тугди. Курсга бориб ўқиб ҳам келди. Дастлаб унга ишонч билдиришмади. Лекин қиз техниканинг тилини пухта эгаллаб олишга одамларнинг ишончини қозонишга астойдил ҳаракат қилди. Қисқа вақт ичида уста механизатор бўлиб етишди. Эндиликда у бригадирлар ўртасида талаш. Бири «бизнинг бригадамизга беринглар Шаҳрихонни» деса, бири «йўқ, Шаҳрихон бизнинг бригадамизда ишлаши керак» деб қатъий туриб олади. Ҳозир у Нурмат Тилавов бошлиқ бригадада ғўза қатор ораларини сифатли культивация қилишда механизатор йигитларга ўрнак кўрсатаяпти.

Юбилей йилида Шаҳрихон «Ҳурмат Белгиси» ордени билан мукофотланди. Бу турсунойчи қиз ҳақиқатан ҳам ҳурматга сазовор механизатор.

ЮРАККА ПАЙВАНД

СИРДАРЁ воҳасининг пахта далаларини кезиб юрганимизда ҳар туп ғўзани гўё юрагига пайванд қилиб ўстираётган ишбилармон деҳқонларни кўп кўрдик. Янгиердаги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсунбой Латипов раислик қилаётган «Коммунизм» колхозининг, Сирдарёдаги республикада хизмат кўрсатган пахтакор Қўзибоқар Синдоров раислик қилаётган «Ленинград» колхозининг ва бошқа шунга ўхшаган бир қанча машъал хўжаликларнинг азамат деҳқонлари Мирзачўл бағридан «оқ олтин» ундиришда энг юксак кўрсаткичларга эришиб катта довруғ қозонганлар. Улар етти йилликнинг сўнгги йили хирмонини ҳам баракали қилиш учун шу кеча-кундузда кучга-куч қўшишяпти.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шарофат Бозорова 1-«Боёвут» совхозининг фахрли деҳқонларидан бири ҳисобланади. У бошчилик қилаётган бригада анча йиллардан буён чўл шароитида рекорд ҳосил кўтариб келаяпти. Шарофат оналар бу йил «кам деганда ўттиз центнердан хирмон кўтарамиз» дейишаяпти.

Пахта устаси Тилов Абдалиев ҳам Мирзачўл хазинасининг эшигини биринчи бўлиб очганлардан. Унинг бригадаси катта—салкам икки юз гектар майдонда «оқ олтин» етиштирилмоқда. Мажбурият — ўттиз беш центнер!

Мирзачўлда буларга ўхшаган машъаллар кўп. Гулистон районидаги «Красний восток» колхозидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Ленин орденли Нажмиддин Эркабоев, Сирдарё районидаги «Правда» колхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тилов Маманов, Меҳнат Қизил Байроқ орденли Исмат Очилов ва бошқа юзлаб ўртоқлар ана шулар жумласидандир. Улар бошлиқ деҳқонларнинг юрагига пайванд бўлиб ўсаётган бўлиқ ғўзалар, аминмизки, кузакда эл-юртга тоғ-тоғ «оқ олтин» ҳадя этади.

ФАРҲОДЛАР

АФСОНАВИЙ қаҳрамон Фарҳод тоғ кесиб, қақроқ ерларга сув келтирганлиги билан довруғ қозонган бўлса, унинг номига қўйилган совхознинг фарҳодлари асрий чўл бағридан баракали «оқ олтин» ундираётганликлари, ундирганда ҳам арзон ҳосил ундираётганликлари билан довруғ қозонишмоқда. Янгиердаги «Фарҳод» совхозида бултур Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Валентин Афанасьевич Тюпко усулида ишлайдиган тўртта комплекс механизациялашган звено тузилган эди. Уларнинг тўртталаси ҳам жуда ажойиб натижаларга эришди. Механизатор Мирзаюсуф Жонзоков бошлиқ звенода 11 одамга 86 гектар ер қарайди. Шундай бўлса-да, комплекс механизациялаштириш даражасининг оширилганлиги туфайли пахтадан ҳам мўл, ҳам арзон ҳосил етиштирилди. Мирзаюсуфнинг ўзи ўтган йили машина билан 189 тонна пахта терди. Совхоз дирекцияси унинг бу катта хизматини тақдирлаб, «Москвич» автомашинасини мукофотга берди. Бор-йўғи уч аъзоси бўлган Турсунбой Мўминов бошлиқ тюпкочи звенода бу йил 45 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 23 центнер ўрнига кам деганда 30 центнердан хирмон кўтариш учун қизғин кураш кетаяпти. Бу курашда замон фарҳодларига қудратли техника қўл келаяпти. Совхозда бу йил тюпкочи звенолар сони 14 тага етказилди. Фарҳодликлар ўз хўжаликларини бир-икки йил ичида звено системасида ишлашга тўла кўчиришга бел боғлашган.

Областда бундай азамат фарҳодлар анчамунча топилади. Гулистондаги «Красная заря» колхозида механизатор Юнус Сентаптиев бошлиқ тюпкочи звено аъзолари йил сайин катта зафарларга эришмоқдалар. Мана, биргина ўтган йилги натижаларни олиб кўрайлик. Звенода саккиз киши 2900 центнер «оқ олтин» етиштирди. Уларнинг ҳар бири 3500 сўмдан 3800 сўмгача даромад қилди. Звено бошлиғининг ўзи эса 4200 сўм даромад қилди. Звенода меҳнатга тўланган асосий ҳақнинг ҳар бир сўми ҳисобига 3 сўмдан мукофот тўғри келди. Шундай қилиб, звено деҳқонлари ҳар иш кунлари эвазига 8 сўм 60 тийиндан ҳақ олдилар. Колхоз бўйича эса бу рақам 4 сўм 60 тийинга тўғри келди.

Шу «Красная заря» колхозида механизаторлардан Муҳаммад Тўраев, Акбарали Турсункулов, Обиджон Раҳматов, Эргаш Абдужабборов, Фрунзе номли колхозда Янгибой Тожибоев, Тиловберди Хўжанов ва бошқа ўртоқлар бошлиқ тюпкочи звеноларнинг фарҳодлари ҳам кишини қувонтирадиган ажойиб натижаларга эришаяптилар.

СИР воҳасининг «оқ олтин» соҳибкорлари тўғрисида гапираверамиз десак гап кўп. Она-Ватанга бу йил 432 минг тонна Мирзачўл пахтасини армуғон этишга сўз берган сирдарёликлар ҳозир улкан марра сари дадил қадамлар ташлаб бормоқдалар. Тошкентлик мусобақадошлар сирдарёлик пахтакорларга янгидан-янги муваффақиятлар тилаб қайтдилар. Чўлқуварларга зафар ёр бўлсин!

Ш. ШОРАҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



Фотолавҳа

Бу йил «Қибрай» совхозининг боғбонлари шаҳар меҳнаткашлари дастурхонига ҳар йилгидан ҳам кўп мева ва узум етказиб беришга астойдил бел боғлашган. Ҳозир совхознинг боғ-роғларида эртаги мевалар терилиб, шаҳарга жўнатилмоқда. Узумдан мўл ҳосил кўтариш мақсадида токзорларда парвариш ишлари тобора қизғин тус олдирилаяпти. Бу жиҳатдан, айниқса, совхознинг 2-бўлими боғбонлари қилаётган ишлар диққатга сазовордир. Улар гектар бошига кам деганда 15 тоннадан узум олиш учун курашишмоқда. Юқоридаги суратда бўлимнинг илғор механизатори Раҳим Примқулов пуркагич агрегати билан қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши токзорларга дори сепмоқда. Пастдаги суратда ўртоқ Раҳим Примқуловни кўриб турибсиз. У ток қатор ораларини механизмлар ёрдами билан ишлашда энг яхши кўрсаткичларга эришаяпти. Шак-шубҳа йўқки, «Қибрай» совхозининг соҳибкорлари мўл-кўл ширин-шакар мева-чевалар билан бу йил ҳам шаҳарликларни хурсанд қиладилар.

В. Салов фотолари.

ХИМИЯ — ЛУБКОРЛАР ЙЎЛДОШИ

Ўзбекистондаги хўжаликларнинг далаларида каноп ўтган йилдагига қараганда ўн кун илгари шоналайбошлади. Ўсимликнинг бўйи ҳозир бир ярим-икки метрга етган. Уларнинг серавж бўлиб ўсаётганлиги — химиявий препаратлар қўлланилаётганлигининг натижасидир. Каноп бундай препаратлар билан ҳозиргача уч марта озиқлантирилди.

Оққўрғон ва Юқори Чирчиқ районларининг колхозлари канопни озиқлантиришда биринчи марта суюқ аммиакдан кенг фойдаланмоқдалар. Бу препарат тракторга осилган махсус агрегат ёрдамида тупроққа солинмоқда. Ҳар гектар ерга 70—80 килограммдан суюқ ўғит солинаётир. Ўтган йилги тажриба шуни кўрсатдики, агротехниканинг бу янгилиги каноп пояси ҳосилдорлигини гектар бошига 10—15 центнерга оширади.

Ўзбекистон лубкорларининг бу йилги марраси — 260 минг тонна «кўк олтин» етиштиришдир. Бу маррага яхши йўлдош — химия кўмагида албатта эришилади. (ЎзТАГ).

ҚАЙНОҚ МЕҲНАТ ҚУЧОҒИГА

Тошкент Давлат университетининг қалби оташ студентлари қайноқ меҳнат қучоғига отланиш арафасида турибдилар. Улар имтиҳонларни муваффақиятли тугатгач, Қорақалпоғистон Автоном республикасига йўл оладилар.

Ватанпарвар студент-ёшларни автоном республикадаги янги шоликорлик совхозлари кутяпти. Бу ишга университет комсомол комитети бошчилик қилади. Шу мақсадда комсомол комитетида штаб тузилган. Студентлар бу ерга келиб, кўнгиллилар отрядига ёзилмоқдалар.

— Университетимиз студентлари вакиллари ўтган йили Бухоро-Урал газопроводи қурилишида актив қатнашган эдилар, — дейди штаб бошлиғи 4-курс студенти В. Терехов. — Бу биз учун биринчи имтиҳон бўлди. Энди биз Қорақалпоғистондаги шоликорлик совхозларига борамиз. Совхоз ишчиларидан меҳнатимизни аямаймиз.

Яқинда пойтахтдаги айрим институт ва техникумлардан студентларнинг катта бир группаси автоном республикага — қайноқ меҳнат қучоғига жўнаб кетган эди. Ҳадемай университетнинг меҳнатсевар студентлари ҳам шоликорлик совхозларига йўл олишади.

ЕР куррасида

Инқирознинг далили

Сайгон ҳукмдорлари нах бўлмаса ҳафта сайин ўзгараберишига энди одамлар кўникиб қолишди. Вашингтондагилар ҳам Жанубий Вьетнамдаги ўз элчиларига нисбатан шу тахлитда йўл тутишни ихтиёр қилмаяптилармикин? Ҳар қалай генерал Тэйлор атиги бир йил Американинг Сайгондаги элчиси бўлиб тургач, истеъфога чиқиб кетаяпти. Аввалги элчи Генри Кэбот Лож яна Сайгонга қайтиб келаяпти. Тэйлордан илгари унинг ўзи элчи эди. Тэйлор эса, Вьетнамдаги урушда қоқилиб, бурни қонаган америкалик арбоблар орасида сира ёлғиз эмас.

Вашингтоннинг расмий доиралари Тэйлорнинг истеъфога чиқишини қандай важлар билан изоҳламасинлар, унинг истеъфоси Американинг Вьетнамдаги сиёсати тўла инқирозга учраганлигини кўрсатувчи бир далил эканлиги жуда равшан кўриниб турибди.

Ҳарбий пиллапоянинг энг юқори поғонасида турган шуҳратпараст генерал Тэйлор ўтган йил июль ойида Сайгонга юборилаётганида унга жуда ҳам катта ваколатлар берилган эди. Пентагондагилар уни Вьетнамдаги урушнинг боришини АҚШ фойдасига буриб юборадиган пайғамбар деб атаган эдилар. Тэйлор «алоҳида урушлар» деган назариянинг автори ҳисобланади, бинобарин, Вашингтондагилар у ўз назариясини боплаб амалга оширади, деб фикр юритган эдилар. Америкадаги газеталардан бири ўша вақтда Тэйлорни тавсифлаб, «планларни синчиклаб тузиб чиқиш ва ўз вақтида ҳаракатлар қилиш» унинг ўзига хос фазилатидир, деган гапларни ёзган эди. Бироқ, Тэйлор шу ҳар икки фазилатидан биронтасини рўёбга чиқара олмади.

Урушда сўяги қотган Тэйлор Вьетнамда енгиб бўлмайдиган ғовга — халқнинг кураш йўлидаги иродасига, Америка интервенциячиларини ва уларнинг Сайгондаги малайларини ҳайдаш йўлидаги қатъиятлорлигига дуч келди.

Тэйлор Сайгонда бир йил турган бўлса, шу давр ичида Американинг Жанубий Вьетнамдаги қўшинлари сони тўрт баравардан зиёд кўпайтирилди. Океан наригиёғидан замонавий қурол-яроғларнинг кўпдан-кўп туркумлари олиб келинди. Жанубий Вьетнам тупроғига Американинг денгиз пиёда қўшинлари ва парашютчи — десантчи қисмлари туширилди. Америкаликлар Жанубий Вьетнамдаги чакалакзорларни бомбардимон қилиш учун Гуам оролига база қуриб олган «Б-52» типидаги самолётларни юбормоқдалар. Америка қўшинлари Жанубий Вьетнамда напалм ва заҳарли моддаларни ишга солмоқдалар. Америка авиацияси сурункасига 5 ойдан бери Вьетнам Демократик Республикасининг территориясига осмондан ҳужумлар қилмоқда.

Бироқ, Вьетнамда уруш бошлангандан бери ҳали ҳеч қачон АҚШ ҳозиргидек мушкул аҳволда қолмаган эди. Айтиш мумкинки, айни Тэйлорнинг ўзи Американинг Сайгондаги элчиси бўлиб турган пайтда АҚШ қўшинлари ва Жанубий Вьетнам армияси энг қақшатғич мағлубиятларга учради.

Ўтган бир йил ичида интервенциячилар уруш ҳаракатларини ўтказишда ақалли бирон жойда ва бирон марта ташаббусни партизанлар қўлидан тортиб олишга муваффақ бўла олмади. Ҳозир улар, аслини олганда, ўз базаларига тиқиб қўйилди. Сайгон армияси ҳақиқатда руҳий тушкунликка тушиб қолди, шунинг учун Вьетнамдаги урушни фақат америкаликларнинг ўзи олиб бормоқда.

Вашингтонда асабийлик вужудга келгани сезилиб турибди. Янги мададкор қисмларни жўнатиш режалари муҳокама қилинмоқда. АҚШ ўзининг Жанубий Вьетнамдаги қўшинларини уст-устига кўпайтираберишни мумкин. Лекин АҚШ уруш йўли билан ҳеч бир натижага эриша олмаслигини Тэйлорнинг ўзи ҳам истеъфога чиқиб кетиши олдидан тан олди. Билъакс, агрессияни кенгайтириш билан АҚШ Жанубий Вьетнам ботқоқлигига борган сари чуқурроқ ботиб кетабериши мумкин, холос. Шу ботқоқликдан чиқиб олишнинг фақат битта чораси бор, у ҳам бўлса — Вьетнам проблемасини бартараф этишнинг Вьетнам Демократик Республикаси билан Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронти таклиф қилган программасига рози бўлишдир.

В. ХАРЬКОВ,
ТАСС обзорчиси.

КАПИТАЛИЗМ ИЛЛАТЛАРИ

ИТАЛИЯ. Мамлакат аҳолисидан ҳар 1000 кишига атиги 7.4 койка тўғри келади. Жамоат касалхоналарининг аксарияти эски, хароб биноларга жойлашган. Ҳозирги замон жиҳозларига эга эмас.

ТУРКИЯ. Ҳар юз кишидан уч киши сил касалига мубтало. Мамлакат бўйича умр кўришни ўртача 33 ёшга тўғри келади, деса бўлади.

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМ. 1964 йили 20 мингдан ортиқ киши вабо билан оғриди. Бу ер шарида вабога йўлиққан кишиларнинг чорагини ташкил қилади.

ЧИЛИ. Йилига ҳар минг боладан 105 таси ўлади. Болалар ўртасида ўлимнинг бундай кўплиги овқат етишмаслиги, дармонсизлик туфайлидир.

НИГЕРИЯ. Нигерия соғлиқни сақлаш министрининг айтишича, ҳар 50 минг аҳолига атиги бир врач тўғри келади. Инглиз империясининг Африкадаги бу мамлакат устидан қилган асрий ҳукмронлигининг оқибати мана шу.

ШИМОЛИЙ РОДЕЗИЯ. Ўтган йили мамлакатда 1539 киши қора чечак билан оғриди, улардан 142 киши ўлди.

ФИЛИППИН. Филиппин онкологлар жамияти раисининг айтишига кўра мамлакатда ҳар йили 4 мингдан ортиқ киши (икки соатда тахминан бир киши) ёмон шиш касалликларидан ўлади.

УРУШ ҚИЛИШДАН БОШ ТОРТГАНЛИГИ УЧУН...

ТОКИО, 9 июль (ТАСС). Америка армиясининг капитани С. Вольфсон Жанубий Вьетнамга боришдан бош тортганлиги учун унинг иши Куваэ (Окинава) базасидаги ҳарбий трибуналга берилди. У «ҳарбий бурчни бажаришдан бош тортиш»да айбланади.

«Иомнури» газетасининг хабар беришича, бундан илгари лейтенант Стэйнк Жанубий Вьетнамга боришдан бош тортганлиги учун яқинда суд қилинган эди.

АҚШ ТАИЛАНДДА ЎЗ КУЧЛАРИНИ КЎПАЙТИРМОҚДА

БАНГКОК, 9 июль. (ТАСС). Малайзияда чиқадиган «Стретс Таймс» газетаси хабар беради: ҳозирги вақтда Таиланддаги энг йирик авиация базалари ва таъминот базаларида Американинг 7 минг ҳарбий хизматчиси ва АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг 5 тадан ортиқ ҳарбий эскадрильялари бор.

Американинг «Ф-105» типидаги қирувчи-бомбардимончи самолётларининг 4 эскадрильяси Корат ва Таклида жойлашган, қолганлари Лаос чегараси яқинидаги Убон ва Удонда жойлашган.

Бу самолётлар, деб ёзади газета, Лаос ва Шимолий Вьетнам устида уруш ва разведка мақсадларида учишда қатнашаётганликларига шак-шубҳа йўқ.

Газета яна қуйидагиларни ёзади: яқин орада Америка қўшинларининг янги қисмлари, шу жумладан АҚШ армияси 2-инженерлик-қурилиш батальонининг Таиландга келиши кутилади.

М. ТЭЙЛОР ИСТЕЪФО БЕРДИ

ВАШИНГТОН, 9 июль (ТАСС). Президент Жонсон кеча АҚШнинг Жанубий Вьетнамдаги элчиси генерал М. Тэйлорнинг истеъфосини қабул қилди ва Генри Кэбот Ложни Американинг Сайгондаги элчиси қилиб тасдиқлашни сенатдан сўрашга қарор берди, деб хабар қилди Оқ уйнинг матбуот масалалари бўйича секретари Мойерс. Маълумки, Лож шу вазифани ўтган йилнинг ўрталаригача эгаллаб келган эди.

Лож, деди Мойерс, 14 июлда мудофаа министри Макнамара билан бирга Жанубий Вьетнамдаги аҳвол билан танишиш учун самолётда учиб кетади. Лож Сайгонда бир ҳафтача бўлади ва шундан кейин Ложни элчи лавозимига расман тасдиқлаш учун сенатга тақдим этадилар.

ЖАЛЛОДЛАР ТОБОРА КЎП ТАЛАФОТ КЎРМОҚДАЛАР

ПАРИЖ, 9 июль. (ТАСС). Партизанлар кеча Сайгондан 60 километр ғарби-шимолдаги Коом Дуа постига ҳужум қилган пайтда ва шу пост яқинида қурилган пистирмада Жанубий Вьетнам қўғирчоқ армиясининг бир юз эллик солдати ўлдирилди, ярадор қилинди ва бедарак йўқолди. Американинг 4 «маслаҳатчиси» ҳам бедарак йўқолди. Бу «маслаҳатчилар»дан уч киши ўлдирилган, деб ҳисоблайдилар. Франс Пресс агентлигининг хабар беришича, Контум вилоятидаги Дак-то яқинида бўлган жанглар вақтида Сайгон қўшинлари анча катта талафот кўрганлар. 150 кишидан иборат бутун гарнизон қириб ташланган.

«МАРИНЕР-4» МАРС ТОМОН УЧИБ БОРМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК (ТАСС). Пасадена (Калифорния штати) Америка олимлари қуйидагиларни айтдилар, Американинг «Маринер — 4» автоматик космик станцияси кеча Марс планетасининг тортиш доирасига бориб етди. Марсга томон бораётган автоматик станция ўз тезлигини бирмунча оширганлиги кеча рўйхатга олинди. Қилинган ҳисоб-китоблар «Маринер—4» станцияси ана шу пайтда Марсдан 1.721. 770 миля масофада бўлганлигини кўрсатди. 14 июлга келиб станциянинг тезлиги соатига 9.979 милядан 11.514 милягача ортади. Планета муваффақиятли равишда суратга олинса, олимларнинг фикрича, дастлабки суратлар 15—16 июлда олинади.

БМТ БОШ СЕКРЕТАРИ ЛОНДОНДА

ЛОНДОН, 9 июль. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретари У Тан кеча Париждан Лондонга келди. У Тан бош министр Вильсон билан ва Англия кабинетининг бошқа аъзолари билан учрашади ҳамда халқаро аҳволга тааллуқли бир қанча масалаларни, биринчи навбатда, Вьетнам проблемасини улар билан бирга муҳокама қилади.

ОЛДИНДА 10 МИНГ КИЛОМЕТР ЙЎЛ БОР

ДУШАНБА. Бу ердаги — Ленин номли Марказий майдонда «Шарқ-ғарб» деган катта пойгага старт берилди. 22 та енгил автомашинадан иборат бўлган колонна Каспий соҳилларига қараб йўл олди. Тожикистон пойтахтининг жамоатчилиги автотуризм клубининг 90 аъзосини Закавказье, Қора денгиз, Закарпатье ва Болтиқ бўйининг хушманзара йўллари ва жойлари бўйлаб 40 кун давом этадиган саёҳатга кузатиб қўйди. Пойга қатнашчилари орасида Норак ГЭСининг бинокорлари, Душанбадаги корхоналарнинг ишчилари, хизматчилари, мутахассислари, олимлар, олий ўқув юртлари ва мактабларнинг ўқитувчилари бор.

Пойга «жанговар шуҳрат жойлари бўйлаб» деган шиор билан ўтказилмоқда. Тожикистон туристлари уруш бўлган кўпгина йўллардан ўтадилар, унутилмас қаҳрамонона жангоҳларни бориб кўрадилар.

Туристлар Ленинград ва Москвада бўладилар, у ердан Ростов ва Шимолий Кавказ орқали жонажон ўлкаларига қайтиб келадилар. Олдинда 10 минг километр йўл бор!

КАНАЛНИНГ ЯНГИ ШОХОБЧАСИ

МАХАЧКАЛА. Чала чўл нўғай даштида Терақум каналининг Қоранўғай магистрал шохобчаси кавлаб бўлинди. Сунъий дарёнинг узунлиги унча катта эмас — 50 километрдан сал ошади, холос. Лекин ўзи жуда зўр аҳамиятга эга. 1970 йилгача бу каналдан ҳозир бўш ётган йигирма минг гектар ер сув ичади, шу ерларни шолипоя, токзор ва боғларга айлантириш кўзда тутилади. Сув ярим миллион гектарча пичанзорни ва мол боқиладиган яйловларни ҳам суғоради.

(ТАСС).

БАЛИҚЧИЛАР КУНИГА

КАТТА БОЙЛИК

Халқ хўжалигимизнинг турли тармоқларини ривожлантириш вазифасини амалга оширишда балиқчилик ва балиқ овлаш ҳам ўзига хос ўрин эгаллайди. Мамлакатимиз меҳнаткашлари бу йил 50 миллион центнер балиқ овлашлари керак эди. Лекин балиқчиларимиз партия ва ҳукумат белгилаган режани 1964 йилдаёқ бажариб, бу йил 56 миллион центнер балиқ овлашга ваъда берганлар.

Балиқ хўжалигини ривожлантиришда денгиз балиқчилиги билан бир қаторда кўл ва дарёларимиз запасларидан ҳам кўпроқ фойдаланиш керак. Областимиз республикамизнинг бошқа жойларига нисбатан дарё, кўл ва сув омборларига бой. Сирдарё, Чирчиқ, Оҳангарон дарёларидан ташқари бир неча каттакичик сой ва дарёлар, умумий майдони 1000 гектарга яқин бўлган табиий кўллар мавжуд. Булардан ташқари 2500 гектарга яқин майдонни эгаллайдиган сунъий сув омборлари, кўплаб каналлар, коллекторлар бор.

Областимиз сув ҳавзаларида 60 дан ортиқ балиқ турларини учратиш мумкин. Улардан 25 тури: баҳри балиқ, хон балиқ, чўртон балиқ, чавоқ балиқ, оқ амур балиғи, оқ қайроқ балиқ, Туркистон ва Орол усач балиқлари, оддий оқ балиқ, лешч балиғи, кумуш товон балиқ, зоғара балиқ, лаққа балиқ, судак, олабуға ва бошқалар овланадиган балиқлар ҳисобланади. Қолганлари эса овланмайдиган балиқлардир.

Шолипоялар ҳам балиқ хўжалигида маълум роль ўйнайди. Кейинги йилларда ҳовузларнинг ҳар гектаридан 10—12 центнер ва шолипояларнинг ҳар гектаридан 100—150 килограммдан балиқ олинмоқда.

Балиқчилик хўжалигида ҳам илғор фан ютуқларига амал қилиб иш олиб борилса, мавжуд кўл ва дарёларимиздан самаралироқ фойдаланган бўламиз. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда областимиз балиқ хўжаликлари илмий ходимлар билан ҳамкорликда ишлашга алоҳида аҳамият берабошладилар. Ўтган йилгача махсус балиқ овлайдиган хўжалик йўқ эди. Эндиликда областимизда балиқ хўжалиги ва учта давлат ҳовуз хўжалиги ишламоқда. Бундай хўжаликларнинг сонини яна кўпайтириш назарда тутилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси шуни кўрсатиб турибдики, областимизда ҳам балиқчилик хўжалигини ривожлантириш ва балиқ запасларини кўпайтириш мумкин экан.

Ғ. КОМИЛОВ.
Тошкент Давлат университетининг доценти, биология фанлари кандидати.

Суратда: Қолган Чирчиқ балиқчилик комбинатининг илғор балиқчилари (чапдан) Н. Шепилов, А. Чурочкин ва А. Рябко ўртоқлар.
В. Сироткин фотоси.

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

● «Високовольтний» массивида яна бир беш қаватли кўркам бино қурилиб фойдаланишга топширилди. 85 хонали бу бино консерва ва «Ташкенткабель» заводлари ишчи ва хизматчиларига совға қилинди. Улар ишдан кейин бу ерда дам олиб хордиқ чиқарадилар.

У. МУҲАМЕДОВ.

● Оҳангарон ГРЭСида ҳозир ишчи турбиналар сони 4 тага етди. Бу эса бир.неча кундузда 600 минг киловат электр қуввати ишлаб чиқаришни таъминлаётир. Бу Эронда барча станциялар ишлаб чиқараётган электр энергиясидан бир мунча ортиқдир.

А. КУКИЕВ.

● Бу йил Низомий номли давлат педагогика институтини 1009 студент битириб чиқиб ҳаётга йўлланма олди. Уларнинг 100 дан ортиғи олий ўқув юртини имтиёзли дипломлар билан якунладилар. Студентлар республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларига йўлланма олишди.

Т. СОЛИЕВ.

◆ Бекобод районидаги «Чаноқ» совхозида 50 точкали автоматлашган телефон станция ўрнатилди. Станция совхознинг бўлимлари, фермалари, шунингдек совхоз территориясидаги мактаблар билан ҳам алоқа боғлайди.

М. ҒОФУРОВ.

◆ Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозининг Ватунин участкасида стадион қурилиб фойдаланишга топширилди. Қишлоқ спортчилари бу ерда мусобақаларни бошлаб юбордилар.

Т. ЖЎРАЕВ.

ЯШАНГ, ЯХШИЛАР!

Яхшилар кўп. Бировнинг қайғусига шерик бўладиган, ҳожатини бароридан келтирадиган, ҳимматли, фазилатли одамлар кўп. Улар ҳамма жойда учрайди.

Наби Жалилов ҳам ана шундай кишилардан. У йўлда кета-туриб, ҳамён топиб олди. Ҳамёнда пул ва ҳужжатлар бор эди. Эгаси — Ғулом Сиддиқов экан. Лекин у қаерда туради, ким бўлиб ишлайди, ҳозир қаерда экан-а? Бу муаммо эди Наби акага. Шундай бўлса ҳам, Ғулом Сиддиқовни ахтариб йўлга тушди у. Бир кун ўтди. Иккинчи, учинчи кунлари ҳам дуч келган одамдан сўради, суриштирди. Учратолмади.

«Менга нима, излаб юраманми уни» деб кетавериши ҳам мумкин эди-ку, лекин Наби аканинг виждони қийналарди. Шунинг учун ҳам омонатнинг эгасини топмагунча қўймади.

«Чинор» пионер лагерининг физкультура ўқитувчиси Ғулом Суддиқов мотоцикл ҳайдаш учун олган гувоҳномаси билан талони ҳамда 30 сўм пулини олиб, Наби акага миннатдорчилик билдирди. Юқори Чирчиқ районидаги «Гулистон» колхозининг аъзолари бу воқеадан воқиф бўлиб, Наби Жалиловга ташаккур билдирдилар.

Худди шундай ташаккурга Октябрь колхоз бозорида навбатчилик қилган милиция старший сержанти Сониб Ғонбов ҳам сазовор бўлди.

СОВЕТ КИШИСИНИНГ ФАЗИЛАТИ

1919 йилдан бери КПСС аъзоси Умар Шарипов давлатимиздан оладиган нафақасини белига тугиб бозорга тушган эди. Ота гўшт харид қилган-у, уйига келиб 90 сўм пули қаерда қолганлигини билмай ташвишга тушган. Пенсионернинг худди шу пулини топиб олган Сониб Ғонбовнинг ташвишда қолганини айтмайсизми. У, пулни топилмалар столига топширсаммикин ёки эгасини дараклаcаммикин, деган хаёллар билан турганида отанинг ўзи келиб қолди. Омонатни эгасига топшириб хотиржам бўлди Ғонбов.

Бундай ҳалол, оққўнгил кишиларга самимий миннатдорчилик билдириб юбориладиган хатлар жуда кўп келади редакциямизга. Мана, шулардан яна бири:

...Куппа-кундуз куни эди. Янгийўл районининг Эски Тошкент қишлоқ Советидаги «Москва» колхозининг аъзоси Илёс Ҳайитбоев уйида кўнгилсиз ҳодиса рўй берди. Аланга ичида қолган уйни фалокатдан сақлаш учун қишлоқ маданият уйининг ходими Тошканбой Ўринбоев елиб-югурди, ўт ўчирувчиларга телефон қилди. Кейин, вақтни ўтказмаслик учун одамларни чақириб келиб, ўт билан олиша кетди. Шофер Р. Муслимов, заготпункт директорининг ўринбосари Раҳим Бeграйимовлар ҳам ўтга қарши қаттиқ курашдилар. Илёс аканинг бошпанаси ярим соат ичида сақлаб қолинди.

Чирчиқда эса, мана бундай воқеа юз берди. Ленин кўчасида шофер Вальковнинг ҳаётига безори А. Федоров таҳдид солаётган эди. Шу ерлик дружиначилар дарҳол етиб келишди. Федоров-ку қилмишига яраша жазоланди (беш йил озодликдан маҳрум қилинди). Лекин, беғуноҳ шофернинг ҳаётини сақлаб қолган, қутирган безори чангалидан уни қутқарган дружиначилар ва уларга ёрдамга келган милиция ходимларига раҳмат айтмай бўладими?!

Ҳа, бизда ёмоннинг олди олинади, унга йўл йўқ. Негаки, яхшилар кўп-

Яшанг, яхшилар!

С. МУСАЕВ.

МУЗЕЙНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиумининг Куйбишев кўчасидаги собиқ биноси республикамиз халқлари тарихи музейи ихтиёрига топширилгач, бу ерда реконструкция ишлари бошланиб кетди. Ҳозир рассомлар бинони бадиий безаш ишлари устида ишлашяпти. А. Коник раҳбарлигидаги бир группа рассом бўлажак музей нақшларининг эскизи устида қарийб ярим йилдан бери ижодий иш қиляпти. Рассомлар олдида ҳозирги замон меъморчилигини миллий анъана билан яхлит бутунликда тасвирлаб бериш вазифаси турибди.

Мана, ҳафталаб, ойлаб қилинган меҳнатнинг самараси. Эскизларга кўз югуртирамиз: Улуғ Ватан урушини тасвирловчи лавҳа. Бунисида Туркистондаги революцион ҳаракатлар ишонарли қилиб акс эттирилган. Шунингдек, музей экспонатлари ичида босмачиларга қарши кураш ҳаракатини акс эттирувчи эпизодларга ҳам катта ўрин берилган.

Музейнинг юқори қаватида ўлкамизнинг бугунги ҳаёти акс эттирилган. Улкан қурилишлар, маданий-оқартув муассасалари ва кўпгина бошқа ўзгаришлар ўз ифодасини топган.

Янги музей олдинги бинога қараганда уч марта катта бўлиб, элликта хонадан иборатдир. Ҳозир бу ернинг бадиий фонди жуда бой. Хоразм, Бухоро областларида ташкил этилган музей экспедицияси ўзи билан бирга хилма-хил коллекция олиб келди. Мазкур областларнинг инқилобдан олдинги ва совет давридаги қиёфаси келтирилган экспонатларда намойиш этилган.

Янги музейни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг эллик йиллик байрами кунига очиш мўлжалланмоқда.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

Тошкентдаги гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтининг ходимлари дам олиш кунлари шаҳардан ташқарига чиқиб, кўнгилли дам оладилар. Ўтган якшанба куни улар гўзал Хумсон қишлоғига чиқишди. Суратда: институт ходимлари дам олишда.

А. Тўраев фотоси.

МАМЛАКАТИМИЗ МАНЗАРАЛАРИ

Тошкентда совет пейзажи ва натюрмортининг «Жонажон мамлакат бўйлаб» деган виставкаси очилди. Бу виставкани Ватанимиз тўғрисидаги, унинг бепоён ерларидаги ажойиб ўзгаришлар тўғрисидаги тўлқинлантирувчи ҳикоя деб айтиш мумкин. Москва, Ленинград, Таллин, Рига, Киев, Одесса, Минск, Вильнюс, Красноярск, Владимир, Ереван, Боку рассомлари ишлаган 60 полотно виставкага қўйилган.

СССР халқ рассоми М. Сарьян, РСФСР халқ рассомлари В. Мешнов, Н. Ромадин, А. Грицай, Я. Ромас, Латвия ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби К. Мельбародис, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Г. Нисский ва тасвирий санъат соҳасида ишлаётган бошқа моҳир усталар чизган суратлар томошабинларнинг эътиборини жалб этмоқда. (ЎзТАГ).

Янги шеърлар

ИШҚИНГ БИЛАН

Майли менга боқмагин маъсум,
Майли бўлгин ўзгаларга ёр.
Майли ҳадя этма табассум,
Нима қилсанг сенда ихтиёр.
Бахтинг бўлсин қуёшдай порлоқ
Иқболингга ҳасад қилмайман.
Ҳо тилкалаб юрагимни ёқ,
Рашк ўтида куйсам ўлмайман.

Қалбим кўрмас ортиқ томчи ёш,
Ишқ денгизи ичра йўқолиб.
Ҳаммасига берурман бардош,
Ҳаммасидан чиқурман ғолиб.

Амирқул ПУЛКАНОВ.
студент.

ЧЎПОН ҚЎШИҒИ

Қурув-қурув, қўйларим,
Боқиб ўсар бўйларим.
Яйлов бўйлаб қўй боқиб,
Янграб елар куйларим.
Қурув-қурув, қўйларим,
Боқиб ўсар бўйларим.
Осмондай кенг яйловим,
Ўтлар майса, мулойим.
Унда яйраб, қўзи-қўй.. .
Ошар туёғи доим.

Қурув-қурув, қўйларим,
Боқиб ўсар бўйларим.
Рўпарада яшил тоғ,
Чиқсак унга кўнгил чоғ...
Семирганда қўйларим,
Кўпайди гўшту, ёғ.
Қурув-қурув, қўйларим,
Боқиб ўсар бўйларим.

Тўлқин РАЖАБИЙ.

„КЕЛАЖАК ПЕЛЕСИ"-НИ ИЗЛАБ

Ёш футболчиларнинг Бутуниттифоқ мусобақалари ташкилотчиларини қайси команда ғолиб чиқади, деган масала унчалик қизиқтирмаган бўлса керак. Ғолиб команда Украина терма футболчилари бўлиб чиқди. Кўрик-турнирнинг финал ўйинида бу команда грузин спортчиларини 2:0 ҳисоби билан ютди. Биринчи тўпни 65-минутда рақиблар дарвозасига В. Босий, иккинчи тўпни эса сўнгги минутда В. Кашчей киритди. Халқаро категорияли судья Н. Латишевнинг сўнгги бор чалинган «олтин» ҳуштаги РСФСР (2 та), Москва, Ленинград, Белоруссия, Ўрта Осиё, Грузия ва Украинанинг 8 та терма ёшлар командалари мусобақаларининг тугаганлигини маълум қилди.

Бироқ асосий хулосалар кейинроқ чиқарилади — чунки «футболимиз умидлари» ўйинини тажрибали тренерлар диққат билан кузатишди. Улар турнирнинг «асосий ғолибларини», эҳтимол, Лондонда жаҳон чемпионатида ўйнайдиган ва олимпиада терма командамизга кандидат қилиб олинадиганларни аниқлаб берадилар. Бу қизиқарли мусобақанинг кўпгина қатнашчилари ҳозироқ «А» класс командаларининг асосий ва дублёрлар составида ўйнамоқдалар.

СССР футбол федерацияси жуда яхши тадбир ўйлаб топиб, уни ўтказди. Лекин афсуски, бу «кўриклар» жуда ноқулай вақтда ўтказилди. Катта футболимизнинг бўлажак мастерларини мавсум охирида, улар чинакамига ўз қобилиятларини кўрсатган вақтда синаш, албатта, яхши бўлур эди.

А. КАЧАЛОВ,
ТАСС мухбири.

800 САҲИФАЛИ 2000-НЧИ ИШ

Бир мушт туширган ким, шу муштдан оғзи-бурни қонга беланган ким. Ушбу фактни аниқлаш учун қанча вақт кетиши, қанча варақ қоғоз сарфланиши мумкин? Буни ишга бўлган муносабатидан билиб олинади, деяпсизми? Ҳа, ана балли. Жумбоқ айтиб бошингизни қотириб ўтирмай қўяқолайлик. Кўкқисдан мушт туширган «мард» — Давидов фамилияли зот. Оғзи-бурни қонга беланган гуноҳсиз киши Орипов деган киши. Уларнинг иккаласи бир жойда ишлашарди, битта кассадан пул олишарди. Касбикорлари сартарошлик.

Ҳа, Давидов мушт туширди, Орипов уни «қабул» қилиб олди. Гап мушт қайси томонга, Ориповнинг ўнг чеккасигами, чап юзигами, оғзи-бурни аралашми, қанақа тушган, бу ҳақда батафсилликка ҳожат бўлмаса керак. Албатта мушт урмоқчи бўлган одам аввало бор кучини муштига йиғади, оёқларини елка кенглигида кериб туриб, кейин «ишини бажаради». Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ бировни уриш—орқада тўпланиб туриб шапалоқ туширувчи «қани топчи» деган ўйин эмас. Кутилмаганда калтак ейиш тарновдан узилган музнинг қоқ мияга тушишига кўп жиҳатдан ўхшаб кетади.

Шунақа, гап муштнинг қай йўсинда тушганлиги, оғирлик зарби, заха қилиш қуввати устида кетаётгани йўқ. Гап шу масала тегишли ташкилотларда қандай ва кимнинг фойдасига ҳал бўлиши учун сарфланган кураш, сурди-сурди, икки бети қора қилинган оқ қоғоздан қанча варағи сарфлангани, даста-даста пул тўланган қимматли вақт, бор отангга, бор онангга, деййишга ўрганиб қолган кишилар ҳақида борадиким, шуларни таниб қўйсаларингиз чакки бўлмайди.

Мушт еган М. Орипов калтак зарбига чидолмади. Жабрланганлигини тасдиқловчи судмед экспертизанинг справкаси билан бирга зўравон Давидов устидан шикоят қилиб Чилонзор район прокуратура идорасига ариза берди. Тергов бошланиб, иш судга оширилди. Судда иш яна бузилди. Давидов эса қўрққан олдин мушт кўтарар қабилида иш тутиб бир икки кишига кўз қисиб қўлбола шикоят хати ёздида у ҳам милицияга топширди. Унинг бу қилган иши «зероки мен уни урган бўлсам ҳам азбаройи зарур бўлганидан қилдим, мени шу ишга мажбур этгани учун Ориповнинг адабини бериб қўйинглар», дейиш билан баравар эди.

Милиция органидагилар ҳам, прокуратурадагилар ҳам ишни бошлаб юборишди. Бир куни Ориповни чақиришди, бир кун Давидовни. Кунлар кетидан кунлар ўтаверди. 2.000-иш папкаси аста-секин тўлаверди. Бир ой ўтди, икки ой ўтди... ўнбир ойга чўзилди. Бир кишининг мушт еганини, иккинчи одамнинг мушт урганлигини аниқлашга ўнбир ой вақт керак бўларкан-да. Балки бу ҳам камлик қилар. Ахир осон ишми, улар бу воқеанинг тепасида турмаган бўлсалар. Давидов югуриб келиб урдими, чап қўли биланмиди, ўнг қўли биланмиди: ҳа, буларни аниқлашни осон деб ўйламанг...

ФЕЛЬЕТОН

Дарҳақиқат, осон бўлмади. Чилонзор район милиция бўлимининг терговчиси Ҳасаншин бир неча кун овора бўлди. Ниҳоят айб Давидовда, уни судга бериш керак, деган хулосага келди. Иш судда бузилди. Яна тергов бошланди. Энди Ҳасаншин бошлаган ишни Ўразаев деган терговчи енг шимариб давом эттирди.

Шу ерга келганда икки оғиз заминдор гап айтмоқчимиз. Иш Ўразаевга ўтгач, ҳужжатлар ичидан биттаси, Орипов ҳақида ўзбек тилида ёзилган акт, секин суғириб олиниб, гумдон қилинди-да саҳифалар рақами ўзгартирилди. Ана шундан кейин иш чўзилиб кетди.

Терговчи эшикни ёпаётганда эҳтиёт бўлмаган экан, ўзи ичкарига кирган бўлса ҳам тўнининг бари эшикка қисилиб қолган эди. Яъни актни йўқотиб, хотиржам бўламан дебди-ю, шу актга имзо чеккан М. Набиевнинг тергов вақтида берган гувоҳлик протоколини оширишни унутибди. Хуллас, Набиев қайта сўроқ қилинади. У ҳеч нарса билмайдиганга чиқарилади, шу куни у ишда бўлган эмиш... Шу аҳволда иш судга оширилади. Халқ судьяси ўртоқ Аҳмедов воқеани элак-элак қилиб текширса, ҳаммаёқ чалкаш, боши учига тўғри келмайди.

Давидов «мана энди Орипов қулоқ-чеккасини ушлаганича кетди», деб эртароқ суйинган экан. Суд одил йўл тутди, иш яна терговга юборилди.

Бу гал Давидов қаттиқроқ киришди. «Ориповни мушт билан енголмадим, қалбаки актлар тузиб йиқитолмадим, энди бошқача йўл билан бадном қиламан...» деди Давидов ва ғижиниб қўйди-да, Ориповга ҳар хил тухматларни ёғдираверди. Терговчилар унинг гапига ишонишаверди-ю, Ориповнинг гувоҳлар имзо чеккан шикоят хатини нима учундир инобатга олишмади. Кейинчалик билсак, бунинг гуваладек сабаби бор экан. Орипов ишлайдиган сартарошхонанинг бошлиғи, коммунист А. В. Қандинов аввал бошда Ориповни кўкларга кўтариб мақтаган характеристика берган, кейинчалик эса, нима учундир тўнини тескари кийиб «Орипов ундоқ, Орипов бундоқ», дейдиган бўлиб қолган. Афтидан Қандинов коммунист ростгўй бўлиш, ўз ходимига ғамхўрлик қилиши кераклигини унутиб қўйганга ўхшайди.

Мана шунақа, Қандинов билан Давидовлар қанча уринишмасин, баъзи терговчиларнинг бошини айлантириш учун қанча ҳаракат қилишмасин 1964 йил 10 августда Бешёғочда 42-сартарошхонада содир бўлган воқеа ҳақиқатга чиқарилди. Биз ўйлагандик, бунинг поёнига етиш учун бир ярим, икки йил вақт керак бўлар, деб. Хайрият, терговчилар ўта чаққонлик ва оперативлик намуналарини кўрсатдилар, ўнбир ойда бирёқлик қилдилар...

Лекин... Ана шу лекини бироз ўйлантириб қўяди. Давидов энди Орипов устидан одил ҳукм чиқарган Октябрь район халқ судьяси С. Муҳамедов ва бошқалар устидан ҳар хил хат ёзиб, ҳужжат тўплаб юрган эмиш...

Бир муштни ким туширди, уни ким қабул қилиб олди, шуни аниқлашга ўнбир ой вақт, 800 саҳифа қоғоз кетказган терговчилар, Давидовнинг ҳақиқий башарасини очиш учун қанча вақт, неча варақ қоғоз сарфлашаркин?!

С. МАҲКАМОВ,
А. МИРЗААҲМЕДОВ.

АКУЛА ТИШЛАРИ—ГЕОЛОГИК КАЛЕНДАРЬ

ЛЕНИНГРАД. Кўмир ва бошқа фойдали қазилмаларни... акула тишларини текшириш асосида қидириш мумкин. Шу йиртқичларнинг ярим миллион тишини тўплаган биолог Леонид Гликманнинг коллекцияси фойдали қазилмаларни ана шу асосда қидириш имконини яратиб беради.

Олим акулалар тиши ривожланишидаги ўзгаришни ибтидоий даврдан буён анализ қилди ва тўпланган материални классификация қилди. Гликман тупроқдан топилган тиш қайси даврга тааллуқли эканлигини билиб олиб, тупроқ қатламининг геологик ёшини аниқлай олади. Бу маълумотлар фойдали қазилмалар қидиришда геологик карта тузиш учун асосий материал бўлади.
(ТАСС).

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

11 ИЮЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 12.00 — Ю. Шомансур. **Ойдан тушган болалар** (болалар учун). 12.55 — **Бумтар цирки.**

Рус тилида: 13.30 — **Ҳамма нарсани билгим келади** (киножурнал) ва **Кел, Мухтар!** номли бадиий фильм.

17.30 — **Голубой огонёк** (Меҳнат резервлари).

19.00 — **«Пахтакор» (Тошкент)—«Локомотив» (Москва) командалари ўртасида футбол, танаффус вақтида — Телевизион янгиликлар.**

20.45 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.50 — **Телевизион янгиликлар.** 21.05 — **Бугун — балиқчилар куни.** 21.20 — **Оталар сўзи—ақлнинг кўзи** (ота-оналар учун). 22.05 — **Далада ишовчилар учун** (эшиттириш ва концерт).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — **Андижон область Охунбобоев номли музкомедия театри гастроллари** — 11/VII да **Кимга тўй, кимга аза,** 12/VII да **Бой ила хизматчи.** Кеч соат 9 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/VII да кундуз **Этик кийган Мушук,** кечқурун премьера **Мирандолина.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

Юринглар, айёрлар! (кундуз ва кечқурун). **Улуғ Ватан уруши** (кеч соат 9 яримда) — САНЪАТ САРОЙИ.

Авария — «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун). «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз 3 ва кеч 7 да).

Байжу Бавра — НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Урмондан ўтган йўл — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Максим Перепелица (эрталаб соат 10 да), **Жоао Корраль сири** (кундуз соат 2 ва кеч 9.45 минутда) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Париж сирлари — «СПУТНИК» (кундуз соат 1, кеч 6 ва 9 да).

Даҳшатли тунлар — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 ва кеч 10.20 минутда).

Ужар болалар — «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10 да).

Компаньерос — «МОСКВА» (эрталаб соат 10 да).

ЁЗГИ БИНОДА:

(кеч соат 9 да бошланади)

Жосус билан учрашув — «ФЕСТИВАЛЬ».

Эрлар гурунги—КАФАНОВ номли.

Байжу Бавра —НАВОИЙ номли.

Яширин инспектор —«ВАТАН».

Кимсиз, доктор Зорге? — «1 МАЙ».

Синов муддати — «УДАРНИК».

Тарбиясиз қиз (кеч соат 9 да), **Гусар қиссаси** (кеч 10.45 минутда) — ПУШКИН номли.

Урмондан ўтган йўл (кеч соат 9 да), **Асосли далил** (кеч 10.45 минутда) — ТЕЛЬМАН номли.

Тошкент шаҳридаги

9-ПРОФЕССИОНАЛ-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

8-синф ҳажмида маълумотли, 15-16 ёшдаги йигит ва қизлардан 1965/66 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юртини тамомлаганлар ўрта маълумот ҳақида аттестат оладилар.

Билим юртига қабул қилинганлар кийим ва кунига 3 марта овқат билан таъминланади.

Ўқиш даври ишлаб чиқариш стажига қўшилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор район, Нурхон кўчаси, 21-уй.

Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари ва комбикорм саноати министрлигининг

МАРШРУТ БАЗАСИГА

старший бухгалтер, бухгалтерлар

КЕРАК

Адрес: Тошкент шаҳар, Тарас Шевченко кўчаси, 52-уй, 8-хона.

Куйбишев шоссе, 152-уйда турувчи **Станислав Леонтьевич Хабаев**нинг Кожевников кўчаси, 70-уйда турувчи Ирина Васильевна Хабаева (Чуприна)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

Калинин район, Свердлов қишлоқ советидаги «XIX партсъезд» колхозида турувчи **Мирҳамид Мирсоатов**нинг Тошкент шаҳар, Владивосток кўчаси, 129-уйда турувчи Нортожи Ортиқовна Мирсоатовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Калинин район халқ судида кўрилади.

Тошкент область прокуратураси коллективи прокуратура органларининг энг кекса ходими, Янгийўл район терговчиси

Фахрибону Шариповна ЖАББОРОВАнинг

вафот этганлигини қайғу билан билдириб, марҳуманинг оиласига таъзия изҳор қилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Тошкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004. Редактор ўринбосарлари — 25885, 26232. Масъул секретарь — 34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 31936. Партия турмуши, Саноат, транспорт ва қурилиш, ахборот ва спорт бўлимлари — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 28761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 02131. Индекс 64969. Нашр. № 1801.